



ҲАЖ

Бу – Қиёмат кунига менгзаган, баҳайбат ва буюк манзара!

Тўрт миллион эркак ва аёл мусулмоннинг бутун иродаси ягона мақсадга йўналган: Уларнинг ҳар бири Яратганнинг эътиборига тушишни, тавбасини тушунтириш, ўзининг у қадар ҳам жирканч эмаслигини, моддий шаҳват ботқоғида тамоман ботмаганини, ҳали ҳам инсон эканлигини англашиб, ниҳоят бутун бу гуноҳларига қарамай, ҳали ҳам Яратганнинг кечирлишини умид қилади!

Бу муқаддас ҳудудда ҳар бир эркак ва аёл – худди Китобда ёзилгани каби – фақат ўзи билан банд, қутулиш дарди билан машғул, биров-бирова қарамайди, биров бошқа бировнинг нима қилаётгани-ю, қандай кийингани, қандай кўриниши билан асло иши йўқ!

Оқ, қора, сариқ, қизил танли инсонлар, ёшлар, қариялар, семиз ва ориқлар, чўлоқлар, қийшиқ-



қинғир, майиб-мажруҳлар Каъба атрофида, Сафо ва Марва ўртасида, Муздалифа ва Мина орасида саф-саф бўлиб тинмай оқадилар ва бу миллионларнинг тилида ягона калом бор: “Аллоху Акбар”!

Бу маҳобатли ва мухташам оқинни ҳаракатга келтирган эса шубҳасиз, ўша “Акбар” бўлган Зотдир!

Бу Зот Ягонадир, Бирдир, хамиша Боқийдир, У туғилмаган ва туғмагандир ва ҳеч ким ва ҳеч нарса Бу Зотга тенг эмасдир!

Мухаммад Солих

ИЗЛАНИНГ, ТЎСИҚЛАРНИ ЁРИБ ЎТИНГ...

Каримов диктатурасининг энг асосий зулми - сўз, фикр ва матбуот эркинлигига тўсиқ қўйишидир. Режим айниқса интернетдан фойдаланишни таъқиқлашга уринмоқдалар. Бу йўл билан ўзининг жонини кўришга уринаётган бўлса-да, centrasia.ru сайти хабарига кўра, Ўзбекистонликлар ҳам қўл қовуштириб ўтирмай, бу инфо-мацион блокадани ёриб ўтиш йўллари излаб топмоқдалар.

Шундай экан, биз Ўзбекистонда яшаётган ҳамюртларимизни зулмга қарамай, ҳаққоний ва долзарб маълумотларни олиш ва бу йўл билан ўзларининг ижтимоий ва сиёсий фаолиятларини кучайтириш учун курашга чорлаймиз.

Бунинг учун таъқиқланган сайтларга киришда турли прокси сайтлар руйхатидан бирини

(<http://proxy.org>) ишга солиб кўриш ёрдам бериши мумкин. Агар бу ишда муваффақиятли бўлсангиз,

uzxalqharakati.com

[facebook.com/uzxalqharakati](https://www.facebook.com/uzxalqharakati)

[odnoklassniki.ru/uzxalqharakati](https://www.odnoklassniki.ru/uzxalqharakati)

сайтлари орқали Ҳаракатимиз фаолияти билан танишиш, бошқаларни таништириш, шу йўл билан Ўзбекистонда диктатура ўрнига эркин ва адолатли жамият қуришга ўз ҳиссангизни қўшишингиз мумкин.

Ҳаракатимиз сайти янгиликларига обуна бўлсангиз, матбуотимизда берилаётган кундалик материаллар ҳеч қандай тўсиқсиз электрон почтангизга келиб туради. Дўстларингиз ва яқинларингизни ҳам сайтимизга обуна қилишни унутманг.

ЎХХ Матбуот Бўлими

МУСУЛМОНЛАР ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Тартибни сақлаш ёки “ҳуқуқ тартибот органлари” деб аталадиган давлат органларини мавжуд бўлганига асрлар бўлса-да, нодавлат Инсон ҳақларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар пайдо бўлганига энди 60 йилдан ошди.

(Давоми 2-саҳифада)

СУРИЯ. БУГУНГИ КИЧИК БИР ХАТО ҲАМ ЭРТАГА КАТТА ЯРАГА АЙЛАНАДИ ВА ТАРИХДА ҚОЛАДИ

- Ассалому алайкум, биродар, мана ўтган ҳафтадаги суҳбатимиздан бери бир ҳафта ўтди. Сайтимиз ўқувчиларининг сиз билан қилинган суҳбатдан сўнг, Суриядаги воқеаларга кизиқишлари ортди. Яна қандай янгиликлар бўлган бўлса, марҳамат, сўзлаб беринг.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕК МИЛЛАТИ РИЁКОРЛИК ВА МУНОФИҚЛИКДАН ҚУТИЛИШИ КЕРАК

Ватанимиздаги дикторлик режими отадан қизга ўтиш арафасида турибмиз ва бу яқин икки йил ичида содир бўлади. Дунёнинг энг тараккий этган демократик давлати бўлмиш АҚШ бу ҳокимият алмашинувида қандай муносабат билдиришини аллақачон билиб олдик. Усмон Ҳақназаров тахаллуси остида Каримов салтанати сирларини дунёга маълум қилаётган гуруҳ ўз мақоласида бу ҳақида маълум қилди.

(Давоми 3-саҳифада)

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗМИ ИНСОН?

Каримов режими шароитида, мамлакатимизда инсонларнинг азиз мақомли бўлиши, беъмани бир гапдир. Чунки, халқ ишсиз, зўрвон амалдорлар, давлатнинг моддий бойликларини талон-тарож қилаётганлар ва молиявий афёралар орқали катта бойлик орттирмоқдалар. Шу сабабли, иктисод танг аҳволга туширилган.

(Давоми 7-саҳифада)

БОЙСУНЛИК “ҲИЗБУТ-ТАҲРИР” ЧИ, ОЗОДЛИККА ЧИҚИШДАН БОШ ТОРТДИ

Хурсандов Тохир Самадович – 1966 йил 25 сентябрь куни Сурхондарё вилояти Бойсун тумани “Ариқ-Усти” маҳалласи, Пиров кўчасида туғилган. Миллати ўзбек. Маълумоти ўрта. Оилали, уч нафар фарзанди бор...

(Давоми 8-саҳифада)



Инсон ҳақлари ҳимояси тарихига бир назар

Тартибни сақлаш ёки “ҳуқуқ тартибот органлари” деб аталадиган давлат органларини мавжуд бўлганига асрлар бўлса-да, нодавлат Инсон ҳақларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар пайдо бўлганига энди 60 йилдан ошди.

1948 йили Умумжаҳон Инсон Ҳақлари Декларацияси қабул қилинган, ўша ҳимояни амалда таъминлаш зарурати пайдо бўлади. Ва, табиийки, БМТнинг инсон ҳақларини ҳимояси билан шуғулланувчи қўмиталари ташкил этилади. Ва инсон ҳақлари поймол қилинаётган мамлакатларда ҳам давлатга қарашли ва ҳам нодавлат ташкилотлар тузилади.

Инсон ҳақларини ҳимоя қилиш, деган тушунча Ғарбдан келган ва СССРга қарши ғоявий душманлик курали сифатида кўрилган. МДХдаги авторитар режимлар ҳали бугунгача нодавлат инсон ҳақларини ҳимояси билан шуғулланувчи ташкилотларга ана шундай душманлик назари билан қарайдилар. Шундай бўлса-да, СССР худудидида ўтган асрнинг 70 йиллари ўргаларига келиб “Москва Хелсинки қўмитаси” ташкил этилди.

СССР қулагач, МДХ давлатлари худудидида ҳам Инсон ҳақларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар тузила бошланди.

Ўзбекистонда эса биринчи бўлиб ташкил топган нодавлат ташкилот

чиккан гуруҳлардир.

Аммо, бу ташкилотлар аслида ўша БМТ доирасидаги конунлар асосида фаолият олиб боришади. Ва ўша конунларда битилган инсон ҳақларини ҳимоя қилишади.

Исломида инсон ҳақлари ҳимояси масаласи

14 асрдан ошдики, Аллоҳ Таоло ер юзига Қуръонни нозил қилди ва ўз расули воситасида инсонларни Аллоҳ олдидаги ҳақларини ва ўзаро муомалалардаги ҳуқуқларни ва бутун борликка бўлган муносабатларни белгилаб берди. Бу ҳақлар Қуръон ва ҳадисларга асосланган ўнлаб фикҳий китобларда ўз аксини топди. Бу ҳуқумларнинг баъзилари давлат тарафидангина жорий қилинадиган ҳуқумлардир. Ва Исломи шариати билан ҳуқм юритган давлатларда бу ҳуқумлар амалда қисман жорий қилинган. Аксарият қисми эса, давлат органи иштирокисиз, шахслар ва жамоатлар тарафидан жорий қилиниши мумкин бўлган ҳуқумлардир. Ва айна ана шу ҳақларнинг амалда бажарилишини назорат қилиш ва бу ҳақларга тажовуз қилаётганларга нисбатан чора кўриш, мана шу мусулмон жамоатларини ўзлари амалга ошириши лозим бўлган ишлардир.

Бу ҳимоя қилиш жараёни мавжуд халқаро конунларга ва диний ҳақларга асосланиши мумкин.

МУСУЛМОНЛАР ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

ЎИХЖ бўлиб, уни 10 йилдан ортиқ бошқарган Толиб Ёқубовнинг айтишича, ташкилотнинг тузилганига феврал ойида 20 йил тўлган. Ўзбекистондаги инсон ҳақларини ҳимоя қилувчи мавжуд барча ташкилотлар мана шу ЎИХЖ таркибидан

Ва бу ишни ташкил қилиш лозимлигига етарлича диний далиллар бор.

Бу иш ҳозирча хориждаги ватандошлар қила олиши мумкин бўлган амалдир. Муаммо чора кўриш механизмидадир. Шу маънода Ўзбекистонлик диний жамоалар тарафидан ҳам мусулмонлар ҳаққини ҳимояловчи маҳсул гуруҳ ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир. Бу ерда сиёсий, иқтисодий ва бошқа барча ҳуқуқлар назарда тутилади. Ва бу гуруҳ ўз вазифаси ва ваколатларини аниқ белгилаб олиши керак. Яъни, қайси ҳақлар диний ва қайси ҳақлар дунёвий конунларда белгиланган ва қайсилари муштарак ҳақлар эканлиги. Ва ҳар бир тоифанинг ўз чора кўриш тартибини аниқлаш керак. Яъни, диний жиҳатдан ҳақлар поймол қилинса, уни ҳимоя қилишга қандай восита бўлса шуларни ишга солиш. Шунингдек, дунёвий жиҳатлардан ҳам шундай. Ва шу билан бирга ҳуқуқбонлар ҳар бир шахсни воқеълигида аниқ қандай ҳуқуқий ёрдам бериш мумкин ёки бошқа нимадир қилиш мумкинлигини ўрганиб, ишга киришади. Ва бу амаллар динимиз буюрган вазифа сифатида кўрилиши лозим.

Бу ташкилот ҳам ўз фаолияти учун маълум маблағга муҳтождир. Мана шу маблағни топиш йўлини излаш керак. Бу ташкилот иш бошлаши учун шу соҳани мутахассиси бўлган камида 10 киши бўлса кифоя.

Бу ташкилотга ҳам дин олимлари ва ҳамда ҳуқуқбонларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Агар ватандошлар мана шу каби ҳуқуқни ҳимоя қилувчи гуруҳни зарур деб топишса, марҳамат бу борада ўз тақлифларини билдиришлари мумкин.

Мен бу борада ўз тасавурларимни билдирдим. Ва мавзуга доир фикр мулоҳазаларни кутиб қоламан.

Абутов М

СУРИЯ. БУГУНГИ КИЧИК БИР ХАТО ҲАМ ЭРТАГА КАТТА ЯРАГА АЙЛанади ВА ТАРИХДА ҚОЛАДИ

Ҳурматли сайтимиз мухлислари, бу суҳбат, аввалроқ хабар қилганимиздек, Суриядаги кураш иштирокчиси бўлган бир ватандошимиз билан интернет орқали бўлиб ўтган ёзишмамининг иккинчи қисмидир. Саволларни УХХ матбуот бўлими таҳририяти таёрлади.

- **Ассалому алайкум, биродар, мана ўтган ҳафтадаги суҳбатимиздан бери бир ҳафта ўтди. Сайтимиз ўқувчиларининг сиз билан қилинган суҳбатдан сўнг, Суриядаги воқеаларга қизиқишлари ортди. Яна қандай янгиликлар бўлган бўлса, марҳамат, сўзлаб беринг.**

Ва алайкум ассалом. Ўтган ҳафтада Маъаррат Алномон, Ҳама ва Идлиб шаҳарлари четларида қолган Асад режими қароргоҳларига ҳужум уюштирилди ва, натижада бир МИГ 15 самолёти ва 2 БМП ва

бошқа енгил қуроллар ва рақамида адашмасам икки миллион 640 кубометр нефть заҳираси қўлга киритилди. Муҳолиф кучлар кириб борган минтақаларнинг яқинларида ҳукумат пост ва қароргоҳлари бор эди. Қилинган амалиётлар натижасида улар ҳам ўз қароргоҳ ва постларини жангсиз ташлаб қочиб кетган. Яқин уч кундирки, ҳукумат аҳоли турар ерларини ҳадафга оляпти ва уйлари қарқаштақич бомбардимон қилиб, қатлиом этишда давом этипти. Бундан икки кун олдин, яъни 4 ноябрь куни Ҳалаб, Ҳумс, Идлиб, Ҳама, Дамашқ, Маъаррат Алномон, Дейр



Аз-зур минтақаларида оғир бомбардимон қилинган эди. Натижада, халқ турар жойларини тарк этиб, чекка қишлоқ ва далаларга чиқиб кетган эди.

Мана бугун, ушбу воқеаларни учинчи куни, яна халқ турар жойлари, бозор, масжидлар бомбардимон қилиняпти. Бомбардимондан зарар кўрган уй ва дўконлар бўлди. Юзлаб оддий фуқаролар оғир яраланган, уй остларида қолган ва ўнлаб тинч аҳоли ҳалок бўлди. Ҳозирда бомбаланган уйлар остида қолганларни қутқариш ишлари давом этмоқда.

(Давоми кейинги саҳифада)

СУРИЯ. БУГУНГИ КИЧИК БИР ХАТО ҲАМ ЭРТАГА КАТТА ЯРАГА АЙЛНАДИ ВА ТАРИХДА ҚОЛАДИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бу Асад режими ҳақиқатан очикдан-очик бир ваҳший эканлигини кўрсатяпти. Бу қилаётган бомбардирмонлар – бир ваҳшийликдир. Қурбонлар оддий ҳалқ, аёллар, ёш болалар, ёш қизчалардир. Мен бу ерга келишимдан аввал, муҳолиф кучлар чиқибди ва Асад режими қарши курашяпти экан, деб эшитганимда, бироз шубҳаланган ва ҳатто ёмон ҳам кўргандим. Асад режими яхши-ку, қанақа муаммо бор экан, деб ҳайрон бўлгандим. Жиҳод деб эълон қилишгандан кейин келдим, ўз кўзим билан кўришим учун. Бу ердаги ҳолатни ўз кўзим билан кўрганимда кўзимдан ёш чиқиб кетди. Наҳотки, бир давлат ўз ҳалқига бунчалик зулм ва қатлиом қила олади?

Ҳўп бизнинг Ўзбекистон ҳукуматини яҳудий ва юртимиз учун бегона бўлган шахслар эгаллаб олган, шунинг учун қиялти бу ўзбек ҳалқига зулмни деймиз. Асад режими шу ернинг маҳаллий ҳалқларидан ташкил топган-ку, деб кўп ўйладим. Чунки ўрганиб чиқганимда бу ерда ягона фарқи, бу – Асад режими эски коммунистлардан ва алавийлардан ташкил топган кишилар экан. Булар бугун ҳукуматни кунни тугаётганини аниқ билиб турибди ва кетишлиги ҳам аниқ нарса. Шундай бир ҳолатда шунчалик бир қатлиом қиялти. Асаднинг отаси 1982 йилда Дейр Ал-зур да ҳукуматдан норози бўлиб бош кўтарган кишиларни қатлиом қилган экан. Оммавий равишда бомбардирмон қилиб, ўз ҳалқининг қотили бўлган экан. Буларнинг бугунги кунда бирдан бир мақсади – ўзларига қарши чиққан ва бу низомни ҳоҳламаган ҳалқдан ўч олиш ва қириб ташлаш йўлини тутгандир.

-Кейинги ҳафтада ОАВнинг хабар беришига қараганда, Сурия муҳолифати ўзаро бирлашиб, ўзаро келишиб, жанг олиб бориш учун 5 та гуруҳга бўлинган экан. Улар кимлар?

Қанчалик бир даражада бирлашиб бўлинишганини билмайман, аммо бу ерда кимда қанча имкон бўлса, шуни бу ҳалқни ҳимоя қилиш ва бу ваҳший бегона низомга қарши кураш учун бел боғлаган. Аввалги суҳбатимизда айтиб ўтганимдек, машҳур жамоалар учтадир. Улар:

1. Катоиб Аҳбор Алшам (Исломилар)
2. Жабҳа Ал-нусро (Ал-Қоида)
3. Жайш Ал-хур (демократлар ва давлат собиқ ходимлари ва айрим исломий кишилар) Булардан бошқа майда-майда гуруҳлар бор ва мен

кичик гуруҳларни баъзиларини санаб ўтгандим холос. Улардан:

- 4) Ал-Фажр
- 5) Таҳрир Аш-шом

- Шунингдек, ОАВ Сурия Муҳолиф кучлари нефть захираларини қўлга киритганини ёзишди. Шунингдек, ВВС базасини ҳам. Шу хабарлар ростми?

Ўтган ҳафта режимга қарши қилинган ҳужумлар натижасида кўплаб қурол яроғ ва техникалар қўлга киритилди. Улардан 2 миллион 640 кубометр нефть захираси ҳам қўлга киритилган. Бу саволга оид маълумотларни юқорида айтиб ўтдим.

- Асад ва унинг режими амалдорларини орқага йўли қолмади, шекилли. Улар ё ғалаба ва ёки ўлимигача урушади, деб ўйлайсизми ё мамлакатни тарк этиб кетиш эҳтимоли ҳам борми?!

Режим деярли тугади ва фақат чекиниб, минтақалардан қочиб кетяпти. Узлари режимнинг тугаганини аниқ билишади ва ҳозир ўта нозик ва иккиланиш ҳолатига тушиб қолган. Қочайликми, нима қилайлик, қаерга қочайлик деган нарса бугун буларнинг миясини еб ётган асосий муаммо. Аммо аввалларда чиқиб кетган мудофаа вазири ёки унга ўхшаш бир неча вазири қочиб, бошқа давлатлардан бошпана олди. Аммо бугунги кунда қолганлари ўз ҳалқининг қотили бўлди ва тўхтамасдан қатлиом қиялти. Буларнинг аввалгиларидай имконлари йўқ, албатта. Булар бошқа давлатларга сиғмайди ва қайси давлат бугунги низом бошлиқларига бошпана берадиган бўлса, биринчи ўринда Сурия ҳалқининг иккинчи ўринда бутун араб дунёсининг ва учинчи ўринда дунё инсон ҳақлари қонунларига душманлик қилган бўлади. Шунинг учун булар бир четдан имкон қидириш билан овора бўлиб қолди. Ҳеч бўлмаса, бир давлатдан махфий бўлса ҳам, жойлашиб олиш муаммосини ўйлашади. Улимигача урушиш журъати йўқ албатта. Улимини билиб жангга отланадиганлар бугун Сурия мусулмон ҳалқларидир.

- Муҳолифат орасида иттифоқлик қандай? Турли гуруҳлар ўзаро адоватга киришмадими?!

Исломий Жамолар ўзаро бирлик тузишган “Шом Шарий Лажнаси” эди ашшамсам бу бирлик ташкилотнинг исми.

Мен бу учунчи дунё урушларидан шуни хулоса қилиб, ўз ҳалқимизга айтмоқчиманки, агар Ўзбекистонда қуроллик тўнтариш бўлади дейиладиган бўлса, бу бир катта муаммо. Биринчи ўринда, қайси бир давлатда бир қуроллик тўнтариш қилинадиган бўлса, шу давлат кўшниларидан бири очикдан-очик юз фоиз ёрдам бера оладиган бўлиши керак. Ҳоҳ у қочқинлар мавзусидами, ҳоҳ у айтайлик ярадорларми. Озиқ-овқат ёрдами ва қурол-яроғ тўхтовсиз киритилиши ва ҳарбий ёрдам бўлиши шарт. Бу бўлмасдан бир иш бошлаш ҳалқимизнинг қотили бўлиб қолишлиги аниқдир. Чунки Ўзбекистонда режим анча муштаҳам ва минтақада кучлик давлат. Ўзбекистон Исломий Ҳаракати 1999 йилда Ўзбекистонга Тожикистондан Қирғизистон орқали юриш қилиб кира бошлаганда, Ўзбекистон диктатор режими Тожикистон ва Қирғизистоннинг баъзи шаҳар ва қишлоқларини бомбардирмон қилган эди ва охири-оқибат Қирғизистон УИХнинг йўлини тўсишга қарор қилган эди, агарчи парламент бунга қарши чиқса-да.

Шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, ҳалқ ўз фарзандларини ҳозирдан тарбияласин, агар бир воқеа юзага келса, ҳеч бир вақт ўзбек фарзанди, ўзбек аскарни ўз ҳалқига қарши қурол кўтармайдиган бўлиши керак, ва аксинча, унга буйруқ берадиганни отиб ташлайдиган бир аскар ва ҳалқнинг фарзанди бўлиши керак. Керак бўлса, аскарликни ичида туриб бу ҳалққа қарши қурол кўтаргани келган ёлланма жангариларини ўлдириши керак бўлади. Бу энг катта хизматларидан бўлади.

Яна шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, ҳар бир юртдошимиз ҳоҳ сиёсий ҳоҳ ҳарбий бўлсин, бу бир нарсани яхшилаб ўйлаб чиқсинки, бир иш қилмоқчи бўлса ва ёки кимдир, қайси бир жамоа ёки партия ва ёки давлат бир иш қилишни юртдошларимиздан талаб қилса, бу қиладиган ишлари қанчалик ҳалқимизнинг фойдаси-ю, зарари, буни аниқ ўлжаб кейин қилишсин. Агар бу нарсага ақллари етмаса, ўзларидан кўра билимлироқ кишиларга мурожаат қилиб сўрашсин ҳоҳ махфий ва ҳоҳ ошқора тарзда. Чунки бугун дунё бўлганича бўлиб кимда қудрат имконияти, пул бўлса истганини амалга оширишга ҳаракат қилади ва турли йўللари излайди ва йўлга қўяди.

Бугунги кунда қилинадиган кичик бир хато ҳам эртага катта бир ярага айланади ва тарихда қолади. Етарки келажақда авлодларимиз нафратланадиган бир авлод бўлмайлик, балки авлодлар фахрланадиган аждод бўлиб қолайлик.

- Жавоблар учун катта раҳмат.

Ўзбекистонда диктатура!

Ваганимиздаги дикторлик режими отадан кизга ўтиш арафасида турибмиз ва бу яқин икки йил ичида содир бўлади. Дунёнинг энг тараққий этган демократик давлати бўлмиш АҚШ бу ҳокимият алмашинувиға қандай муносабат билдиришини аллақачон билиб олдик. Усмон Ҳақназаров тахаллуси остида Каримов салтанати сирларини дунёга маълум қилаётган гуруҳ ўз мақоласида бу ҳақида маълум қилди.

АҚШ Давлат Котиби ёрдамчиси Роберт Блейкнинг август ойида

ЎЗБЕК МҮЛАТИ РИЁКОРЛИК ВА МУНОФИҚЛИҚДАН ҚУТИЛИШИ КЕРАК

Астана ва Бишкекка сафарини бекор қилиб, Тошкентда бир неча кун қолиб кетиши давомида Ислоҳ Каримов билан суҳбат ўтказар экан, ҳокимият отадан кизига ўтишида АҚШ бу давлат алмашинувини ботинан қўлласа-да, зоҳиран тек туради. Бугун бемалол айтишимиз мумкинки, Исроил ҳазратлари ҳам Ўзбекистондаги ҳукумат алмашинувини кўш-қўллаб, агар кўш қўли озлик қилса, икки оёғини ҳам кўтариш билан бўлса-да, уни маъқуллайди. Исроил шундай қилибдими, демек Европа ҳам айни мана шу фикрда деяверинг.

Демак, Ўзбекистоннинг келгуси Президенти Гулнора Каримова қирқ ёшда эканлигини инобатга олсак, яқин қирқ йил ичида ҳам ўзбекининг қосаси оқармайди ва унинг тагин икки авлоди Россияда мардикор бўлиб яшайди.

Савол туғилади: ўзбеклар шунга лойиқми? Жавоб эса шу: Ҳа, шунга лойиқ миллат ва шунга лойиқ халқ. Аниқроғи, шунга лойиқ оломон!

Ўзбекистондан келаётган хабарлар оқимига назар ташларканмиз, худонинг берган хар бир кунда кимнинг ноҳақ қамалгани, кимнинг ўлдирилгани, яна биронинг уйи бузилгани каби “хушхабарларни” олаёпмиз. Олдинда киш турибди ва бу мавсумда миллатимиз анчагина фарзандларидан, анчагина қарияларидан ажралиб қолади. Киш мавсуми ватанимизда одамларнинг совуқдан ўлиши мавсуми ҳамдир. Бироқ миллат жим, элат жим, гўёки шундай бўлиши керакдек.

Ўзбекистонда ҳокимиятни отадан кизига ўтиши олдидан “ота” атрофни “душманлардан” тозалаб олиши керак, токи кизи бемалол ҳукмронлик қила олсин. Дushman ким? Дushman ул зотки, режимдан норози! Албатта, режимдан 95% одам норози, шунда ҳам режимга қарши курашадиган, ўз ҳаққини талаб қиладиганларгина режим думанларидир! Режим душманлари сафига эса нафақат мухолиф сиёсатчиларни, балки мустақил журналистларни ҳам, инсон ҳуқуқлари курашчиларини ҳам, қолаверса, кимки хурфиқрлик экан, ўшаларнинг ҳаммасини кўшиб санаш мумкин. Аmmo, бу сингари одамлар жуда озчилик ва бу режим учун хавф солувчилар ҳамдир.

Режим яқин ойлари ичида нима қилади? Албатта, одатдагидек, кимларнинг ўлдириш билан машғул бўлади. Кимлар бу рўйхатга кирган, ўзлари яхши билишади, албатта. Швециянинг Стромсунд шаҳрида шу йилнинг 22 февраль кунда Юрий Жуковский томонидан отилган Обид қори Назаров ҳам режимнинг тозалаш амалиёти қурбонларидан бири бўлди.

Ваҳоланки, ёлланма қотил имомни ўлдира олмаган бўлса-да, лекин унинг сиёсий, ижтимоий фаолиятига нуқта қўя олди. Нуқта!



Тўлқин Қораев

Бу билан мақсадга эришилганлигини ҳаттоки Стромсунддаги суд ҳам, ёлланма қотилга яқиндан ёрдам берганликда гумонланган эр-хотин Баҳодир Пўлагов ва Нодира Аминоваларни сўроқ қиларкан, шундай қарорга келганди. Шундай бўлса-да, суд уларни озод қилди.

Яқинда ЎХХ веб-саҳифасига, каминанинг номига Нодира Аминовадан мактуб келгани мухлисларимизга маълум, албатта. Унда Нодира Аинова суд қарорни рўқач қилиб, бизни халқроқ журналистика этикаларига риоя қилмаганликда айблади. Уларнинг номларини гарчи швед суд эълон қилмаган бўлса-да, ўзбек журналистлари очиклаганлигини келтириб ўтганди (www.uzxalqharakati.com).

Тагин у хар қандай савол бўлса, жавоб беришга тайёрлигини ва кимгадир ҳикоясини айтмоқчи эканлигини маълум қилди. Шунга қўра, камина Нодира Аминова билан электрон почта орқали мулоқотга киришдим. Нодирахон бунинг учун алоҳида почта қутиси очган ва фақат ўша почтага мактуб юбораман ва у ҳам ўша почтадан жавоб беради. Хар неки, айнан шу аёл билан ёзишаётганимга ишонч ҳосил бўлди.

Нодирахон ўзининг ҳаётдаги баъзи мушкулотларини ҳам маълум қилди. Ота-онаси ажрашгач, ўғай ота қўлида қолгани, кейинроқ онаси вафот этгач, тагин яна ўғай оналик ҳам бўлгани ва унинг учун фақат акаси ғамхўр бўлгани каби ҳолатлар унинг мактубидан маълум бўлди. Айнан ўша акаси Юрий Жуковскийни унинг уйига меҳмонга юборган экан.

Бироқ Нодирахондан хар қанча илтимос қилмайлик, саволлар беришимизга ва унга жавоб йўллашига рози бўлмади. Демак, ўзи билан боғлиқ бўлган вазият ойдиқлашини ҳам истамайди. Унинг ўзи ЎХХ веб-саҳифасига йўллаган мактубида истаган саволларимизга жавоб беришга тайёр эканлигини таъкидлаган бўлса-да, интервью содир бўлмади!

Обид қори хориждаги ўлдирилиши керак бўлган яққою-яғона одам эмаслигидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳали яна кимлардир отилиши керак. Юқорида эслаб ўтганимиздек, ҳокимият отадан кизига топширилади ва ота ҳамма ёқни тозалаб бермоғи зарур. Акс ҳолда, кизи ҳокимиятни эплай олмай қолса-чи?

Ўзбекистон ўзининг геополитик жойлашуви билан дунёнинг тараққий этган барча мамлакатларини қизктиради. Бунда Россиянинг ҳам, АҚШнинг ҳам, Хитой ва Эроннинг ҳам ўз қизиқишлари бор. Бу қизиқишлари замирида ўзбек халқи қурбон бўлиб кетаётганлиги бировни ташвишга солмайди. Ҳаттоки ўша ернинг ҳақиқий эгаси бўлган халқни ҳам ташвишлантirmаяпти. Худди кимор ўйинига ўхшайди. Атрофда бир қанча киморбозлар соққа ташлашаёпти. Ўртага қўйилган – биз, ўзбеклармиз. Хар неки, бизга қайишадиганроғи ютсин, деб орзу қиламиз.

Аmmo бу ўйинчилар фақат ўз мақсадларини, ўзларининг очкўз хирсларини кондиришни ўйлашади, холос. Ўзбек эса ютқазди. Умуман олганда, боши миллат фақат Амир Темир даврида боши кўтарилган миллат бўлганди. Тарихининг қолган қисмида эса фақат мағлуб бўлиб келган миллатдир бу.

Тагин бош кўтармоқ фурсат келмадимикан? Ҳозир ўзбекдан бир жаҳонгир чиқиб, дунёни забт этиши талаб қилинмаяпти, бор-йўғи ўз ҳуқуқи учун курашиши талаб этилмоқда ва бу миллат шунга ҳам қодир эмасдек.

Илгарилари ҳам бу мавзу-

ни кўтарганлар кам бўлмаганди, бироқ “буюк оға” олдидаги қўқув ўзбекларимизни бош кўтаришга ундай олмади. Энди эса “буюк ҳукмдор” олдида уларнинг оёқлари зир-зир титрайди. Баъзилар айтардики, миллат динидан узоклашиб кетгани учун шу қуйга тушган. Мана, бугун миллат динига содик(?), нега ҳали ҳам ўзгармади? Демак гап динда эмас экан-да. Гап ўтақаси ўн бўлган миллатнинг ўзлигида.

Обид қори отилди, лекин ўзбекларимиз пашша қўриб ўтирибди. Нимага? Эртага сизнинг хар бирингиз ортингиздан ёлланма қотил келади ва асфаласофлинга кетасиз! Буни улар тушунмайди! Икки қўли самога кўтарилади ва дейди: “Такдир Аллоҳдан, биз бир бандамиз”. Қачонгача банда бўласиз, ўзбеклар? Банда дегани – ўзбек тилида ҚУЛ деганидир. Майли, Аллоҳга қул бўлинг, лекин сиз кўпроқ бандасига қул бўлиб юрганларга ўхшайсиз. Мусулмонлар бир-бирига биродардирлар! Қани ўша биродарлик? Биродарингиз қамокда азобланиб ётибди, сиз эса таралла-бедод, ҳали у машинани минасиз, ҳали бунисини.

Истасангиз ҳаж, истасангиз умра. Сизнинг ҳажингиз, ёки умрангиз қабул бўлдимикан. Ўйлаб қўрдингизми? Аmmo сизга буниси муҳим эмас. Сизга кўплар оғзи ланг очилиб, “қаранглар, фалончи ҳожи бўлиб келибди” деса шуниси афзал. Ёки нотўғри тушундимми? Ўзбек миллати риёкорлик ва мунофиқликдан қутилиши керакка ўхшайди. Бироқ биров ўтирган ўрнини совутгиси келмайди. Қани сиздаги бирдик ва сиздаги биродарлик? Йўк!

Ўзбекистон халқ ҳаракати дунёнинг турли мамлакатларида Россия элчихонаси олдида Юрий Жуковскийнинг Швецияга экстрадиция қилиниши талабини илгари суриб пикетлар уюштиришни ниятида. Ёлланма қотил шу йилнинг октябрь ойида Москвада ушланган, лекин унинг Швецияда экстрадиция қилиниши ҳал бўлмай турибди. Демак унинг экстрадициясини биз ўзбеклар талаб қилишимиз керак. Ўтақаси ўн миллат албатта бу каби гад-бирга чика олмайди. Швециядаги асосий ўзбек қочқинлари мусулмонлар(?) экан, демек ЎХХ фақат улардан умид қилади.

Ерга бош эгиб яшаш даври ўтиб кетган, дуо билан ҳамма нарса тўғирлаиб кетаверишига ишонманг! Ёки Пайғамбаримиз с.а.в. фақат дуо билан Макка кофирларини фатҳ этганликларига ҳужжатингиз борми? Бор бўлса, келтиринг ва кураш майдониға чиқмаслигингиз учун зарурий вай шу бўлсин. Акс ҳолда мусулмонликка даъвогарлик қилманг! Ислоҳ дини сиздан мард бўлишни талаб қилади!

ГУЛШАН ҚОРАЕВА. ОЛА ҚАРАШ ҚИЛГАН ЭМИШМАН



Гулшан Қораева

Қашқадарё” газетаси ўзининг 16 октябрь кундаги сониди мен ҳақимда бир “ҳаққоний” мақола эълон қилибди. Ўзини газета мухбир дея тақдирлаётган Шохиста Бозорова “Пашшадан фил яшадан мақсад нима?” – дея савол аломати билан сарлавҳа қўйган ўз “дур-донасига”.

Бу аёл журналистика этикасини билмайдиганлардан биридек кўринади ёки ўзининг бир томон фойдасига ишлайётганлигини ҳам кўз кўз қилган. Ўзбекистон матбуот ва оммавий ахборот воситалари эркин фаолият олиб бора олмаслигидан келиб чиқсак, “Қашқадарё” газетаси ҳам ўзининг “журналистлари” командаси билан бирга эркин эмасликларини таъкидлаш янгитдан американи кашф қилиш эмас.

Журналист деган кимса ҳар воқеъликни ҳар томонлама ўрганиб, уни тўлиғича баён этмайдими? “Журналист” мен яшайдиган “Маҳаллот” маҳалласининг диний ишлар бўйича маслаҳатчиси бўлган Гулжаҳон Эркаевадан интервью олади-ю, шу маҳалла идорасига яқин жойда истикомат қилаётган менинг момом Алимардонова Бибисулвудан ёки мендан бирор муносабат олишни ҳаёлига ҳам келтирмайди.

Негадир менга ва оиламга ёрдам беришгаётганини маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Гулжаҳон Эркаева бот-бот таъкидлапти. Ҳаттоки ногирон боламга ногиронлик аравачаси ҳам беришганини илдоа қилишмоқда.

Ваҳоланки, бу менинг ҳаққим, бу менинг ҳуқуқим. Улар шунчаки меҳрибонлик кўрсатишгани йўқ ва ҳар бир ногиронга ижтимоий ва иқтисодий ёрдам кўрсатиб бориш ҳар қандай мамлакатда давлатнинг вазифаси ва бурчидир.

Негадир “Қашқадарё” газетаси бунини тушунмайди, ёки билмайди. Қизиқ, унда улар ўзларини нима учун “журналист” деб аташяпти экан?

Ахир оддий нарсаларни, яъни давлатнинг фуқаро олдидаги бурчи, ҳамда фуқаронинг давлат олдидаги ҳуқуқларини ҳам билишмасан.

Начора, бундай ҳолатни нафақат Қашқадарё газеталарида, балки бутун Ўзбекистон матбуотида ҳам кузатамиз.

Газетада ёзилишича, қўшнилари билан ичимлик суви йўқ деб борган эмишман. Афсуски бу ёлғон кимга ва нимага кераклигини мен яхши биламан. Мен маҳаллага бу яқин ўртада ичимлик суви деб бормаганман.

Борган эдим, бу ҳам бўлса ёз ойлариди, адашмасам. Ҳовли ерларининг суғоруви учун мулжалланган сув масаласида эди. Дарахтлар қўриб кетаётганди, тагин бир қўшнимиз суғорув суви трубасини кесиб қўйганди.

Шу масалада борган эдим, унда ҳам бир ўзим. Газетада ёзилишича Гулжаҳон опамиз сув бор эди дея илдоа қилибди. Бу сатрларни ўқир эканман, мийғимда кулиб қўйдим. Нега деганда у кишини турмуш ўртоқлари бутун ёз давомида арава судраб биз томонлардаги домлардан сув ташиб юрган эдилар. Мен ҳамиша сув йўқ деб жар солмаганман. Сув бўлса маҳаллага ёмонми? Бир менга сув керакми?

Кучларинг етар экан, маҳаллани сув билан таъминлаб беринглари, маҳалла аҳли қишда газсиз, электр қувватисиз ўтирганида нега жим қараб турасизлар? Ҳовлимиз ичкарида кранда фақат киш ва куз ойларининг ўргаларидагина ичимлик суви оқади. Бунини инкор этмайман. Бир йили, сира эсимдан чиқмайди, биз томонларда яшайдиган бир журналистнинг уйига сув олиб келишиб, адашиб тунги соат 12 да мени уйғотишганди. Агар маҳаллада ичимлик суви танқислиги бўлмаса нега яшовчилар ҳовуз қуриб олишган?

Сув мўл-кўл жойда ҳовузга не ҳожат? Мақолада қўни-қўшнилари нима қилсин яна дейилади.

Бу мухбир опамиз “қўни-қўшнилари”, қўшниларида сўраб кўрдимикан?

Энди Туркия сафарига келсак, бажонидил Фронтлайн деган халқаро ташкилот бор, газета сўровнома юборса бўларди. Ёки ҳали ҳам кеч эмас.

Улар сизларга тушунмаган нарсаларинга ойдинлик киритиб беради, лозим топишса сўровларининг тийинигача ҳисоб беришади.

Имконият бор-ку, нега бундан фойдаланмайсизлар, “хурматлик” Қашқадарё журналистлари? Мақолада яна мен “ола қараган” эмишман. Ола қараш қандай бўлади-ю, тўғри қараш қандай бўларкин? “Пахтаки ким териси кимни қизиқтиради?” – дейилади мақолада. Албатта халқаро ташкилотларни қизиқтиради! Ўзбекистон болалар меҳнатидан миллионлаб тонна пахта териб олинсаю, унинг ҳузурини юқоридаги сараланган одамлар кўрса бу ажабланарлик эмасми? Ўзбекистонимиз болалар меҳнатидан фойдаланмайми деган халқаро конвенцияни ратификация қилган. Шундай бўлгандан сўнг қизиқиш бўлади-да албатта.

Агар истасанглари сизларга ногиронлар аравачасини ҳам қайтариб беришим мумкин! Тез кунда қайтариш ниятим ҳам бор бу қоляскани, фақат бошқача тарзда қайтариб оласизлар. Унинг боламга кераги бўлмайди деб ўйлапман...

Акс холда бу қоляскани гапиравериш ҳаттоки оғизларинингизнинг суви ҳам қуриб қолапти.

НАЗАРБОВ: ТУРКИЯДА 200 МИЛЛИОН ТУРК ХАЛҚЛАРИНИ БИРЛАШТИРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛДИ

Қозоғистон -Туркия Бизнес Форумига қатнашиш учун Истанбулга келган келган Президент Нурсултон Назарбоев фавқулдда муҳим баёнот билан чиқди. Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркия аъзо бўлган Турк Консейи байроғини тикиш маросимида Назарбоев ўз давлатининг ва халқининг тақдирини ўзгартира оладиган даражада муҳташам бир нутқ сўзлади.

“Отатурк айтгани каби: Бир кун келиб турк халқлари бирлашади”. Шунинг учун ҳам мен турк тилида гаплашадиган биродарларимга табрик саломни айтмоқчиман.

Олтой ва Урта Ер денгизи ўртасида 200 миллионга яқин биродарларимиз яшайди. Агар биз ҳаммамиз бирлашадиган бўлсак, дунёда жуда катта таъсирли кучга айланамиз, деган Назарбоев ушбу анжуманда.



Ушбу мақсадда жуда кўп ишлар қилинди. Масалан, ТУРКСОЙ номи билан маданият ташкилоти, Қозоғистон Президентининг тақлифи билан Турк тилида гаплашадиган давлатлар раҳбарларининг Кенгаши тузилди, Боқуда турк давлатлари парламентларининг Ассамблеяси, Остонада эса Турк академияси иш бошлади.

Асосан Назарбоевнинг ташаббуси билан йўлга қўйилган бу муҳим ишлар келажакда турк халқларининг умумий уйининг пойдеворини ташкил қилади.

“Биз туркларнинг умумий ватанида яшаймиз. 1861 йилда қозоқларнинг охириги хони ўлдирилгандан кейин биз аввал Русиянинг, кейин эса СССРнинг мустақиллигига айландик.

Бу ўтган 150 йил давомида қозоқлар миллий анаъналаридан, урф одатларидан, тили ва динидан деярли айрилиб қолди.

Яратганининг ёрдами билан 1991 йилда биз ўз мустақиллигимизни эълон қилдик. Сизнинг ота боболарингиз ўзларининг қадимий ватанларини тарқ қилишган бўлсада, турк халқи деган номни сақлаб қолганлар.

Шунинг учун ҳам турклар ҳозиргача яхши йигитларга “қозоқ”, дейишади. Мана шу “қозоқлар” бизмиз, деган Назарбоев анжуманда.”

hvylyya.org/news

Ф.ТИЛЛАЕВ. СЕНАТОР ВА ДЕПУТАТ ЖАНОБЛАРИГА ОЧИҚ ХАТ

си МЖТКсининг 183- ва 194-моддаларига кўра, 2009 йил 3 декабр куни 3 (сутка), 2011 йил 6 декабрь 5 (сутка) ҳамда 2012 йилнинг 3 октябрь ойида эса, 15 (сутка) қамок жазосига тортидим. Бу суд “иш”ларида раислик ва судьялик вазифасини бажариб келаётган ҳурматли укамиз, Шаҳбозжон

важларим қолиб кетиб, мени атайин «черный список»ка киритиш мақсадида, Сурхондарё ОАВ орқали “БОЙСУНЛИК АВАНТЮРИСТ”, “ЎЗБЕКИСТОННИ ДЎЗАХГА ЎХШАТГАН КИМ ЎЗИ У?” номли мақолалар уюштиришиб, ҳокимият, маҳалла, қишлоқ ва овулларда, бозор пештахталарида газетанинг маҳсус сонларини кўпайтиришиб, чойхона ва масжидларда фуқароларга тарқатишганлар. Бойсун туман ҳокимиятида йиғилиш ташкил қилиниб, “Бундай шахсни Бойсундан бадарға қилиш керак. Бизнинг орамингда бундай авантюристга ўхшаган фуқароларга жой йўқ...” дейишганлар. Ҳокимият органлари ва МХХ эса, менга нисбатан “провокация” уюштиришиб, бутун бойсунликларни оёққа турғизишмоқда...

Яқинда 2012 йил 3 октябрь куни мени яна ўша “мустақил” судья Шаҳбозжон Умаров, яна ўша прокурор Шухратжон Мавлонов, яна ўша Бойсун туман ҳокими Панжи Тангриев яна ўша... бойсунлик аёллар, яна ўша туман МХХ, яна ўша ИИБи ва яна ўша моддага кўра, Ўзбекистон Республикаси МЖТКсининг 183- ва 194-моддасининг 2-қисми билан 15(сутка) қамок жазосига тортиришди...

Қисқаси, Ўзбекистон ҳукумати мени “Терроризм”да айблаш чора-тадбирларини ўйлаб топмоқда десам, хато бўлмайди. Чунки, шу йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикаси МХХ ва Тошкент шаҳар М. Улуғбек туманига қарашли, “терроризмга қарши кураш бўлими”нинг икки ходими мен яшаб турган хонадонга келиб, мен билан суҳбатлашгани ҳамда мендан турли ҳил савол ва жавоблар орқали, тушунтириш хати ёзиб олгани бунга мисол бўла олади...

Ахир, мен Сизларга ушбу очиқ хатларим орқали нима демоқчи эканлигимни тушунаётгандирсизлар?!

Мен айтмоқчи бўлган сўз шундан иборат-ки, Ўзбекистонда Сизлар томондан ишлаб-чиқиладиган қонунлар амалда мутлақо қўлланилмайди. Чунки, Сиз жанобларни сайлаган сайловчилар билан юзма-юз учрашиш ва уларни қийнаётган муаммолар тўғрисида ўз сайловчиларингиз олдида ҳисобот беришларингизга тўғри келади. Афсуски, бунга тепада ўтирган, “ВЕРХ” йўл бермайди.

Сизлар фақат номига сенатор ва депутатсизлар. Сизлар “Ўзбекистон келажаги буюқ давлат” деб аталувчи мамлакатнинг бир парчасисизлар холос...

Фахриддин Тиллаев

Ўзбекистон “ЭРК” Демократик партияси Марказий Кенгаши аъзоси.
fahriddin71@mail.ru,
fahriddin2009@gmail.com
fahriddintillo@yandex.ru, www.facebook.com/Fahriddin.Tilloev

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СЕНАТИГА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА
ОЧИҚ ХАТ**

Ҳурматли Сенаторлар!
Азиз Депутатлар!

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонун 1993 йил қабул қилинган. Шу қонуннинг тегишли банд ва моддаларига кўра, “Судьяларнинг мажбуриятлари” ва “Судьянинг қасамёди” тўғрисида кўйидаги мазмунда келтирилган сўзларни ўқишингиз мумкин: “Судьялар фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш чоғида, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига сўзсиз риоя қилишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, кадр-қиммати ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашлари, беғараз ва адолатли бўлишлари шарт...”

Илк бор судьялик лавозимига сайланган ёки тайинланган судья эса, кўйидаги мазмунда қасамёд келтирилади: “зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсинган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғараз, холис ва адолатли бўлишга тантанали қасамиёд қиламан”. (www.lex.uz. сайтдан иктибос).

Энди шу ўринда савол туғилади. Бизнинг Ўзбекистондаги, судьялар ҳақиқатан ҳам, қонунга таянган ҳолда “иш” кўрадиларми?! Бизнинг судьялар ҳақиқатдан ҳам, мустақил судьяларми?! Улар қонунни ижро этадиларми, ёки... ўзларича қонун ишлаб чиқадиларми?! Ўзбекистондаги қонунлар кимлар учун хизмат қилади?!

Мен Сиз жаноби олийлари, Сенатор ва қонунчилик палатасининг депутатларига кўйидаги факт ҳамда далилий ҳужжатларга таянган ҳолда, ОЧИФ ХАТни интернет орқали эълон қилишни ўзимга лозим деб топдим...

Мен Ўзбекистон Республика-

Умаров Суннатуллаевич – 1974 йилнинг 13 октябрида Қашқадарё вилояти Дехқонобод туманида туғилган... Бу киши Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманига судьялик лавозимига тайинланганидан кейин, фақат прокурор, ҳоким ва МХХнинг топшириқларини бажарувчи, “мустақил” судьядир...

Ўтган йили яъни, 2011 йилнинг 6 декабр куни Бойсун туман прокуратурасининг биноси олдида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасига асосланиб, пикетга чиққандим. Мен пикетда Бойсун туманининг ҳокими Панжи Тангриев Қобуловичга нисбатан жиноий иш очиш ва унинг истеъфосини талаб қилганман. Судья укамизнинг менга нисбатан “раҳм-шафқат”лари келиб-кетди шекилли, у киши менга 5 (сутка) оғирроқ қамок жазосини тайинлади. Судья укамиз Шаҳбозжон Умаров, туман прокурори Шухрат Мавлонов ва туман ҳокими Панжи Тангриевларнинг “заказ”ини бажарди. Шундан сўнг, мен 2011 йилнинг 13 декабр куни 1391-сонли шикоят ариза билан Сурхондарё вилоят прокурори Абдурахмон Барноевга мурожаат қилдим. Уша шикоят аризамда келтирилган важлар кўйидагича эди:

“Бойсун туман прокурори Ш.Мавлонов, туман прокуратурасининг терговчиси А.Музаффаров, туман ИИБининг масъул ходимлари Н.Шойимов, Ч.Шотўраевларга нисбатан чора кўришларини ва менга нисбатан тўпланган ҳужжатларни сохталаштириб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 155-моддасини кўзлаган ҳолда, яъни “терроризм”га айблаш мақсадида уриниш бўлаётганлиги...” тўғрисида эди.

“Адолат”нинг тантана қилганини қарангки, вилоят прокурори А.Барноев номига ёзган ўша шикоят аризамга ҳам, бир йил бўлган бўлса-да, ҳануз Сурхондарё вилояти прокуратурасидан жавоб хати олган эмасман. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг Мурожаатлари Тўғрисида”ги қонунининг 26-моддаси шахсан прокуратура органлари томонидан кўпол равишда бузилган.

Булар яна Ўзбекистонда “қонунни ҳимоя” қилувчи орган хисобланармиш? Юқорида кўрсатган



Каримов режими шароитида, мамлакатимизда инсонларнинг азиз мақомли бўлиши, беъмани бир гапдир. Чунки, халқ ишсиз, зўровон амалдорлар, давлатнинг моддий бойликларини талон-тарож қилаётдилар ва молиявий афёралар орқали катта бойлик орттирмоқдалар. Шу сабабли, иқтисод танг аҳволга туширилган. Натижада, мамлакатда даврий равишда пул индексацияси ўтказилаёпти. Яъни, истеъмол моллари бозорида, нарх-навои ти-нимсиз кўтараяптилар. Халқ елкасига юкланган бу молиявий зулмдан, кундан-кунга зўриқаяпти.

Хукумат халқнинг уй-жой муаммо-ларига мутлақо бефарқдир.

Тиббиёт хизмати, оддий уколдан тор-тиб то мураккаб жаррохлик амалларига-ча пулликдир. Агар халқнинг аксарият қисми ишсиз эканини инобатга олсак, президентнинг бу фактга бефарқлиги, халқни масхара қилиш билан баробар-дир.

Мамлакатда инсон ҳуқуқларини химоя қилиш масалаларини ечишда,

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗМИ ИНСОН?

муаммога ҳеч қачон жиддий эътибор берилмаган.

Юқорида зикр қилинган аччиқ ҳақиқатни тушунган ҳар бир фуқаро, мамлакат кўчаларининг ҳар қадамида керилтириб қўйилган “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон” шиорини ўқиб, президентимизнинг ниҳоятда безбет эканидан ачинсалар керак. Каримов режимининг ўлимига оз қолди. Тез ора-да, халқ орзу қилаётган ойдан кунлар ҳам ташриф буюрар. Ана шунда ҳам бу шиор, ўз ўрнида қолаверажак. Чунки, Куръони Карим оятларида, Аллоҳ “Одам авлодини азиз ва мукаррам этди”, дейилади. Бу дегани: Ватан муқаддас, инсон азиз бўлмоғи керак дегани.

Инсоннинг ўз мукаррамлигига эришмоғи учун жамиятда шароит даркор. Бу шароит, албатта, маърифат билан барпо қилинади.

Ўз мукаррамлигига интилган ҳар бир инсон, жамият ривожига ҳисса қўшаверади. Ўз мукаррамлигига интилган ҳар бир мутахассис ва раҳбар, мамлакат тараққиётига ҳисса қўшаверади.

Одамларнинг бир-бирларини ҳурмат қилиши ва қадрига етиши, уларнинг руҳий тарбиясига, яъни, уларнинг ахлоқ ва эътиқодларига боғлиқ. Инсонга мукамал руҳий тарбия берадиган омил, бу Ислоом омилидир. Ислоом, ўзининг бу ёлғончи дунёда барпо бўлганидан бери, ўзимизнинг динимиз бўлиб келмоқда. Буни тан олмаслик – жоҳилликдир. Бундан кейин ҳам Ислоомга тобеъ бўлсак, жаҳолат гирдобига тушиб қолган жамиятимизни, иншоаллоҳ, ундан кутқарармиз. Шунда, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, жамиятимиз учун азиз бўлиб қолажак.

Нуриддин Жуманиёзов
ЭРК ДП аъзоси 07.11.2012

БЎЛГАНДИ АНДИЖОНДА

Бундан роппа-роса беш йил олдин Ўзбекистоннинг Андижонда бўлган машъум қонли воқеа жаҳон аҳлини ларзага солди.

Уша куни Андижонда юзлаб одамлар қурбон бўлди, минглаган одамлар уйини, ватанини тарк қилишди.

Қанча-қанча болалар ота-онасиз, етим қолишди.

Қанчадан-қанча ота-оналар фарзандлари ва яқинлари доғида ёнаётдилар. Андижон фожеасининг келтирган маънавий ва моддий зарарининг адоғига етиб бўлмайди.

Андижон фожеаси сабаб Ўзбекистонни, Президент ва ҳукуматни ер юзи биладиган бўлди. Жаҳоннинг кўпгина демократик ва ривожланган давлатлари Ўзбекистондан юз ўгирдилар.

Андижон фожеасига нима сабаб бўлди? деган саволга Ўзбекистон ҳукумати ва матбуоти, “Буюк келажакка яқинлашиб қолган Ўзбекистонга ҳасад қилган ва конституцион тузумни чет эл махсус хизматлари кўмагида ағдариб, ҳокимиятни эгалламоқчи бўлган террорист ва диний экстремист (Акромий)лар-

нинг хуружлари”, деб эълон қилди.

Ва 2005 йил 13 майда Андижонда ўндан ортиқроқ ҳукуматга тегишли (қуролли) кучлар ходимлари ва 170 дан ортиқроқ террористлар ҳалок бўлди.

Тинч аҳолидан биронтасига ҳам шикаст етмади, деб баёнот берди.

Ўзбекистон ҳукуматига муҳолиф манбалар ва айрим шоҳидлар эса адолат талаб қилган қуролсиз ва тинч намоийшчилар шахсан Президент Каримов буйруғи билан ўққа тутилганини, натижада мингга яқин (балки ундан ҳам кўпроқ) қуролсиз намоийшчилар ҳалок этилганини иддао қиладилар.

Шоирликка даъво қилмай (шоир эмасман, демоқчиман), Андижон фожеаси ва унинг сабабини шеърый услубда тасвирлашга ҳаракат қилдик.

Бу вазифани қай даражада уддалаганимизни баҳолаш муҳтарам ўқувчиларимиз ҳукмига ҳавола.



Бўлганди Андижонда

2005 баҳорда, Бобур юрти Андижон, Яшар эди ғазабнок, ғам-аламдан ютиб қон, Ишбилармон (23 та) фарзандларнинг айби не? Айтгил, зolim, дея кўтарилди оломон.

13-май куни, халқнинг додин сўргани, Ўнг ёнида СНБ, чап ёнида МВД, Орқасида армия, келди қонхўр, кўтир шох, Берди фармони олий, қон тўкинлар ичгани!

Отинг, “нон” деганларни, чопинг “ҳақ” деганларни, Тўкин қонин “биз ҳам халқ”, деганларни, Аяманг, ёшу-қари, булар бари “Ҳизбут”чи, Чолу-кампир, гўдак ҳам, аҳли Водий бузғунчи.

Отдилар ва чопдилар, “нон” ва “ҳақ” деганларни, Тўкдилар қонин “биз ҳам халқ” деганларни, Кейин қилдилар эълон, “босдик террористларни”, «Акромия», «Ҳизбуллоҳ», «Ҳизбут» экстремистларни.

Лекин жаҳон билди-ку, бўлганин Андижонда, Аллоҳ ҳам бўлди шоҳид, чўмилдинг бегуноҳ қонда, Халқ ғазаб-адоватда, шаҳид тутар қиёматда, Дуо қилар Олим ҳам, етмагай деб шафоатга.

Олим Хасанов
Профессор
Тошкент

БОЙСУНЛИК “ҲИЗБУТ-ТАҲРИР”ЧИ, ОЗОДЛИККА ЧИҚИШДАН БОШ ТОРТДИ

Хурсандов Тохир Самадович – 1966 йил 25 сентябрь куни Сурхондарё вилояти Бойсун тумани “Ариқ-Усти” маҳалласи, Пилов кўчасида туғилган. Миллати ўзбек. Маълумоти ўрта. Оилали, уч нафар фарзанди бор...

1999 йилнинг 26 октябрь куни Сурхондарё вилояти Бойсун тумани “Жиноий ишлари бўйича суди”нинг чиқарган ҳукмига кўра, Тохир Хурсандов Самадович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159- ва 244- моддалари билан 15 йилга озодликдан маҳрум этилган эди. У шу йиллар давомида жазони ўташ учун, Бухоро, Навоий вилоятлари ва Қашқадарё вилоятининг Косон туманига қарашли қамоқхоналарда бўлган... Куни-кеча унга нисбатан жазони ўтаб чиққанлиги тўғрисида, Олий суднинг тегишли қарори эълон қилинган бўлсада, у озодликка чиқишдан бош тортди... Тохир Хурсандовнинг яқин-қариндошларининг сўзига қараганда, “Мен Ўзбекистон ҳукуматини тан олмайман. Мен учун, Ўзбекистон бир тийинга қиммат...” деб айтганлиги учун ва ички қонун-қоидаларни бузганликда айбланиб, яна 5 йилга озодликдан маҳрум этилди...”

Бойсунлик фермерга ҳаж зиёрати насиб этмади

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани “Қора-бўйин” маҳалласида яшовчи фуқаро, “Очил Саттор” фермер хўжалигининг раиси Очил Сатторов, 2012 йилнинг 7 октябрь куни Саудия Арабистонида ҳаж зиёратига бориш керак эди. Аммо...

“Мен Бойсун туман ҳокими Панжи Тангриев номига Макка шаҳридаги Аллоҳнинг уйи, Байтуллоҳни зиёрат қилиш мақсадида ариза бергандим. Туманимиз ҳокими Панжи Тангриев менинг номимни “ҳожилар рўйхати”дан тушириб қолдирибди. Менинг жойимга эса, ювуксиз, фитначи, фирибгар, пора билан қўлга тушиб, 12 йилга қамалиб чиққан, собиқ журналист Омон Шукуровни юборибди.

Мен туман ҳокими Панжи Тангриев билан учрашгани ҳокимиятга бордим, Панжи Тангриев мени кўриб, ҳокимиятнинг олдинги эшигидан кириб, орқа эшигидан қочиб кетди. Ҳокимнинг шахсий “Еррика” номли автомашинаси ҳокимият биноси олдида турган экан. Шайтон, “машинасини майда-майда қил!” деб юрагимга васваса солди. Мен “Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ” деб ўзимни босдим.

Шундай қилиб, менга ҳаж зиёрати насиб этмади. Ҳар кечаю-кундуз дуо қилиб ўттирибман-ки, Эй, Аллоҳ менга ҳам, иншоллоҳ келаси йили ҳажга боришни насиб этгин! Золимларнинг жазосини Ўзинг бергин!” деб икки қўлим дуода...” дейди биз билан суҳбатлашган 78 ёшдаги отахон.

Ўзбекистонда наркотик моддаларни ким “қурироват” қилади? Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг жанубий вилоятларидан бири бўлмиш, Сурхондарё вилояти Афғонистон, Туркменистон ва Тожикистон Республикалари билан чегарадошдир. Сурхондарё вилояти-



нинг Сариосиё тумани Тожикистон Республикасининг Регар шаҳрига энг яқин ҳудуд ҳисобланади. Тожикистон Республикаси ҳудудидан ўтаётган наркотиклар айнан мана шу чегара пости орқали олиб ўтилади. Бизга берилган маълумотга кўра, олиб ўтиладиган наркотиклар, “олинган ҳомашё”, сифатида “АКТ”лаштирилиб, Сурхондарё вилояти МХХ ходимлари томонидан бир жойга тўпланади. Худди шунингдек, Афғонистон Республикаси Термез шаҳрининг “Хайратон” чегара постидан қўлга олинган “ҳомашё”лар ҳам, маҳсус жойда сақланади. Қўлга олинган ҳомашёлар эса, ҳар ойнинг 15 числида, яъни тун қоронғусида соати 02-00да Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманига қарашли, “Дарбанд ИПХ” маскани орқали, Термез шаҳридаги харбий бўлимларга қарашли, зирхланган автомашиналарда олиб ўтилади. Манбанинг яна бир маълумотига кўра, асосий ҳомашёлар, Қозоғистон орқали Россияга олиб кетилади. Ўзбекистон Республикаси бу наркотик моддаларни олиб ўтишда кўприк вазифини ўтайди. Наркотик моддалар эса, Ўзбекистон учун, қурол-яроғ асосида “обмен” вазифини ўтайди...

Машрабжон Гадоев

МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИГА

Дўстларим, ўйланг ватанни, ким у, расво айлаган?!
 Ғурбат ичра бошингизга бунча савдо айлаган?!
 Ота, Она, ёру дўстан айрилиб, йиллар яшаб,
 Олдингизда турли хил, ташвишни пайдо айлаган?!
 Қанчалар сувга чўкиб, ўлганди қанчалар куйиб,
 Қанчалар ҳаққин ололмай, доду ғавғо айлаган?!
 Қанча эркак кул бўлиб, кетган аёллар фоҳиша,
 Шу қадар хорликмиди, сизларни шайдо айлаган?!
 Нега юртингизни обод айламоққа йўқ илож,
 “Гастрабайтер” деган, сизларга тамғо айлаган?!
 Тарк этиб кулликни, ҳаққинги талаб қилғил ахир,
 Золим ўз халқига зулмин, бунча барпо айлаган?!
 Ватандошлар сизга бу дам, айлағай Саҳвий нидо,
 Фикр этиб, ўйланг ватанни, ким у, расво айлаган?!

Жонга тегди

Жонга тегди шум хабарлар, кўнглимиз вайронадир,
 Шум хабарлар юзта бўлса, хушxabар бир донадир.
 Қай бирига куйгай одам, қай бирига йиғлағай?,
 Қолмади тоқат нетай, ҳар дам юраклар ёнадир?!
 Қандайин яхши яшар, дилсиз ва ҳиссиз кимсалар,
 Чунки, қайғурмоқ уларнинг қалбига бегонадир!
 Изтироб ичра яшар доим одамзод дунёда,
 Ўйланиб уйқуга кетса, ғам чекиб уйғонадир.
 Аслида бу ҳам ҳаётда қисмати тақдир экан,
 Изтироб ичра ҳаётнинг лаззатидан қонадир.
 “Энди тарк этдим барин” деб, ўз-ўзига сўз бериб,
 Шоири нодон яна, ўз сўзларидин тонадир.
 Саҳвиё, асли ҳаёт уйқудаги бир туш каби,
 Ўлгач инсон зоти билсанг, уйқудан уйғонадир.

Йиғламасин

Агар оғу солсалар ошга,
 Пешананги урсалар тошга,
 Не савдолар тушсада бошга,
 Йигит йиғламагил дунёда!
 Ватанингдан қувиб солсалар,
 Могу мулқинг тортиб олсалар,
 Номинг бадном қилиб, толсалар,
 Унут, йиғламагил дунёда!
 Тухмат, бўҳтон қилсалар агар,
 Сени хоин билсалар агар,
 Юрагинги тилсалар агар,
 Кулгил, йиғламагил дунёда!
 Айрилганда ёру ёрондан,
 Оғирроқ дард йўқдир ҳижрондан,
 Айриламиз ҳаммамиз жондан,
 Укам, йиғламагил дунёда.
 Қайғу чекиб, гар адо булсанг,
 Сарсон бўлиб, хор гадо бўлсанг,
 Ажал этиб жон фидо бўлсанг,
 Ҳаргиз йиғламагил дунёда!

Йиғласанг майли

Сахар туриб, ёд эт Худони,
 Яратанга айлаб нидони,
 Дилда тутиб хавфу рижони,
 Тавба қилиб, йиғласанг майли.
 Эслаганда, ота-онанги,
 Кўз ёшларинг аритар зангни,
 Соғинганда азиз болангни,
 Сабр қилиб, йиғласанг майли.
 Соғинганда дўсти-ёринги,
 Тингламаса биров зоринги,

Унутсалар, сени боринги,
 Алам қилиб, йиғласанг майли.
 Эслаб охиратни азобин,
 Роббинг сенга, қилган хитобин,
 Тангри нозил қилган китобин,
 Ўқиб туриб, йиғласанг майли.
 Қара, Аллоҳ неъматларига,
 Ақлинг бовар қилмас, барига,
 Фикр айлаб ҳикматларига,
 Шукр қилиб, йиғласанг майли.

Сенга ахлат кавлаш уятмас.

Эй, ит каби уввлаётган зот,
 Бас қил, томошони керакмас.
 Бунча уввиллама, мен томон,
 Мени ёзганларим суякмас.

Итларга менгаддим ногаҳон,
 Итлар сендан афзал бегумон,
 Одам суратидаги шайтон,
 Кўксингда тош сени, юракмас.

То умринги охиригача,
 Итдек, уввла, ухламай кеча,
 Шунда сени дерлар “ит бача”,
 Тилакларим, “ёмон” тилакмас!

Агар бўлса, озгина номус,
 Аккиллашдан бўларсан, хомуш,
 Табиатинг бўлса каламуш,
 Сенга ахлат кавлаш уятмас.

Абутов М.



РАДДИЯ

Мақола матни эса менинг 2004-2007 йилларда «Хизбут-Тахрир» вакиллари (уларнинг таъкидлашича, «раҳбарлари») билан уч марта учрашганим, ва «Ислом ва Демократия» мавзусида баҳс-мунозаралар ҳақидаги маълумотлардан иборат. Демак, сарлавҳа мақола мавзусини баён этмайди, «Викиликс» сайтида эълон қилинган маълумотларга тўғри келмайди ва сарлавҳа тахририят тарафидан уйдирилгандир.

Муҳаммад Солиҳ тасвири, «Эрк лидери ўзининг консерватив қарашлари ва эркинликни қабул қилмаслигини яширмайди» деган таъриф билан асосий иллюстрация ўлароқ кўйилган. Лекин, матнда партия лидерини исломчилар билан алоқасини тасдиқлайдиган бирорта факт йўқ.

Тасвир остидаги таъриф провокацион иддаодан иборат, ва АҚШ элчисининг номаларига мутлақо алоқаси йўқ.

Тахририятнинг бу иддаолари қаердан чиққан ва муддаоси нима? Нима учун Муҳаммад Солиҳ тараққий ва эркинлик душмани сифатида таърифланган? Ҳақиқатга зид бундай иддаоларнинг манбаси қани?

Тараққий ва эркинликнинг аниқ мезонларининг (ва ўлчовларининг ҳам), тараққий ва таназзул критерийларининг йўқлиги, шубҳасиз, жамиятда бўлаётган ўзгаришларни ҳақиқатдан узоқ, мана шундай ўзбошимча ва пала-партиш иддаоларга олиб келади. Зотан айнан шундай иллат билан Ўзбекистондаги сиёсат йўналиши ҳам хасталангандир.

Айнан ушбу иллат бугунги Ўзбекистонда ёлгон устиворлигининг асосий манбаидир.

Ҳақиқий мусулмоннинг кўзқарашлари «консерватив» бўлмайди. Муҳаммад Солиҳ эса ҳақиқий мусулмондир. Интеллектуал эркинлик маъносидан мен Муҳаммад Солиҳдан ҳам эркинроқ кишини билмайман.

Мақола матни шунга ўхшаш яна кўп бошқа провокацион иддаолар билан тўла, лекин биз шу ерда тўхтамаймиз.

2. Исламофобия – кенг тарқалган эски касаллик, унинг бош симптоми мусулмонларни сиёсатга киритмаслик ва яқинлаштирмасликдир. Ўзбекистонда исломофобия – давлат сиёсатининг асосини ташкил этади ва мусулмонларнинг сиёсатга ҳар қандай аралашуви дарҳол экстремизм, терроризм, радикализм ва ҳ.к.лар деб қаралади.

Uznews.net мақоласида эса исламофобия симптомлари яққол

кўриниб турибди. «Хизб-ут-таҳрир» ҳақида ёзаркан, тахририят уларни «исломий радикаллар» деб атайтиди, аммо уларнинг радикаллиги нимада намоён бўлаётганини тушунтирмайди.

Мусулмонларни сиёсатга яқинлаштирмаслик ўз даврида сиёсатдан йироқ бўлган ва «қисқартирилган ислом»ни пайдо этганди. Лекин «қисқартирилган ислом» – ортиқ ҳақиқий Ислом эмас ва шунинг учун ҳукмрон режим кўлида айнан мусулмонларга қарши қирғин қуролига айланди.

3. Утверждение же uznews.net о том, что «Партия “Эрк” ведет тайные переговоры с исламистами» показывает, насколько это издание, ратуящее за свободу, нетерпимо относится к проявлениям свободы у других. Оно пишет: «Лидеры партии “Эрк” более 20 лет говорят о приверженности демократии, однако депеши с «Викиликс» свидетельствуют о готовности оппозиционеров объединиться с исламскими радикалами». Чья же это демократия, стремящаяся так надзирать над фундаментальным правом людей на свободу общения и дискуссии, обмена мнениями?

3. «Эрк партияси исломчилар билан махфий музокаралар олиб бораёпти» деб иддао қилаётган Uznews.net эркинлик ҳақида қанча гапирмасин, эркинликнинг бошқаларда пайдо бўлишига ўзининг тоқатсиз эканини намоён қилмоқда. У ёзади: «Эрк» лидерлари 20 йилдан ортиқ вақт давомида демократия тарафдори эканлигини таъкидлаб келаётган бўлса-да, бироқ «Викиликс» эълон қилган номалар муҳолифатчиларнинг исломчи радикаллар билан бирлашишга тайёр эканлиги ҳақида маълумот беради».

Инсонларнинг асосий эрки, мулоқот, баҳс-мунозара ва ўзгалар билан фикр алмашиш каби тамал эркинликлари устидан қоровуллик қиладиган демократия – қандай демократия экан?

Сўзим якунида, кишиларнинг асосий эрклари ҳақидаги, ми-сол учун, Ислом, Демократия, Тараққий, Эркинлик каби Uznews.net ҳақидаги тасавури ва тафаккуридан хулоса қиладиган бўлса, уларнинг чоп этган мақолалари тўлиғича Ўзбекистондаги ҳукуматнинг кўзқарашини акс этаётганини кураимиз.

Шундан сўнг, Uznews.net нинг «Эрк» партияси ва лидерига қарши бўлган нафратини кўпчиликка сингдиришга уринаётганлиги тушунарли бўлади.

Отаназар Орипов
«Эрк» партиясининг Бош котиби
atoarif@gmail.com,
+998903166531

Отаназар Ориф: «uznews.net сайтининг «Эрк» партияси ҳақида айтганлари провокация, аксил-ислом ва антидемократик ва Ўзбекистонда ёлгон устиворлигини қувватловчи гаплардир».

Менинг учрашувларим ҳақидаги АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси тарафидан 6-7 йил юборилган номалардаги фактларни хотирада жамлаб, таҳлилга солиш бугун муҳим кўринмаёттир.

Шунинг учун 06.11.2012 ББС радиосининг Муҳаммад Солиҳ ҳаракатлари ҳақидаги саволларига жавобимда беихтиёр ноаниқликларга йўл қўйибман, бунинг учун радиотингловчилардан узр сўрайман.

Аслида «Эрк» лидери Муҳаммад Солиҳнинг «Хизбут-Тахрир» вакиллари билан ҳеч қандай учрашуви бўлган эмас. Бу ҳақида элчининг ўша номаларида ҳам фактлар келтирилган эмас.

АҚШ элчисининг келтиргани фактларни талқин этишида баъзи шубҳали ўринлари бор эканига қарамай, биз АҚШ элчисининг нияти, жиноят уйдиритиш бўлмагани, Ўзбекистон ҳуқуқ тизимларида кенг қўлланилганидай, номаларга кимдир тўқиб чиқарган кенг жиноятлар сценарийсини тиркаш бўлмаганига аминмиз.

Лекин, 05.11.2012 «Партия “Эрк” ведет тайные переговоры с исламистами», деб аталган мақоладан аён бўлишича, uznews.net сайтининг мазкур масалага ёндошуви, Ўзбекистондаги АҚШ элчисининг нияти ва талқинидан тубдан фарқ қилади. uznews.net нинг ёндошуви – ҳақиқатни аниқлаш ва баён этиш эмас, аксинча бор ҳақиқатни бузиб кўрсатишга йўналгандир.

Шу сабабдан, биз тахририятнинг баъзи иддаоларига тўлиқ таҳлилга даъво қилмаган ҳолда, қисқача тўхтаб ўтишни лозим топдик.

1. Мақола сарлавҳаси ва унга тиркалган суратнинг ўзиёқ провокация учун етарлидир.

Сарлавҳада «Эрк» партияси исломчилар билан яширин музокаралар олиб бораёпти» дейилади.

РОССИЯДА ЯНА БИР ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҚОЧҚИН ҒОЙИБ БЎЛДИ

Россиялик ҳуқуқбонларнинг маълум қилишларича, Нижний Новгород шаҳрида ҳибсда ушлаб турилган Азаматжон Эрмаков ғойиб бўлган. Асли Андижонлик Эрмаковнинг химоячилари, унинг Ўзбекистон томонига бериб юборилгани ёда ўғирлаб кетилган бўлиши мумкинлигини тахмин қилмоқдалар.

Шу йил 2 ноябр куни Азаматжон Эрмаковнинг ишини маҳкамада 2009 йилдан бери тақдим этиб келган химоячиси Нижний Новгород ҳибсхонасида у билан учрашувга борган. Лекин ўша куни ҳибсхона ходимлари дам олиш куни эканлиги баҳонаси билан учрашувга руҳсат бермайдилар.

Келгуси куни эса химоячига Эрмаков 2 ноябр куни озод этилгани маълум қилинган. Ўша кундан бери Эрмаков на ўз яқинлари ва на химоячилари билан алоқа чиққан.

Химоячиларнинг айтишларича, озодликка чиқарилишидан бир ҳафтача аввал Эрмаков озодликка чиқарилиши билан ўғирлаб кетилиши мумкинлигидан хавотирда эканлигини айтган.

Химоячиларга кўра, Ўзбекистонга чиқариб юборилиши хавфидан қўриқиб Азаматжон Эрмаковнинг ўзи яширинган бўлиши мумкинлиги эҳтимолдан узоқ.

Ҳозирда Азаматжон Эрмаковнинг химоячилари унинг ғойиб бўлиши ҳодисасини текшириш ва унга қарши жиноий амал содир этилганлиги

аниқланса бунинг юзасидан жиноий иш очишни сўраб Нижний Новгород маҳаллий милиция бўлими ва шаҳар прокуратурасига ариза билан мурожаат қилишган.

Россия Ички Ишлар Вазирлиги ва Бош Прокуратурасига унинг қаерда эканлигини аниқлаш учун зудлик билан чоралар кўриш талаби ҳам жўнатилган.

Бундан ташқари Федерал Хавфсизлик Хизматидан Эрмаковнинг Россия чегарасини кесиб ўтганми йўқлиги, агарда кесиб ўтган бўлса қачон ва қай ҳолатда кесиб ўтганлиги ҳақида маълумот бериш ҳам сўралган.

Азаматжон Эрмаков дастлаб 2009 йил ноябр ойида Ўзбекистон ҳукуматининг талаби билан Россияда ҳибсга олинган. Ўзбекистон расмийлари унинг диний-сиёсий айбловлар асосида қидирувда эканлигини айтганлар.

Кейинчалик Россия Бош Прокуратураси Эрмаковни Ўзбекистонга чиқариб юбориш ҳақида ҳукм чиқарган.

Лекин Оврўпо Иттифоқининг Инсон Ҳуқуқлари бўйича маҳкамаси Ўзбекистоннинг қийноқлар кенг қўлланиши айтилган мамлакат эканлигини назарда тутиб ва унга нисбатан экстрадиция ҳукмининг чиқарилиши жараёнида процессуал қонун-қоидалар бузилганлиги асосида унинг чиқариб юборилишини тўхтатиб қолган. Шундан сўнг Эрмаков 2011 йил май ойида озодликка чиқарилган.



Аммо бундан икки ой ҳам ўтмай гўёки ёнида гранта олиб юрганлиги айби билан яна ҳисобга олинади. Эрмаковнинг айтишича, грантани уни ёнинг пинҳона солиб қўйганлар.

Азаматжон Эрмаковни Оврўпо маҳкамасида ишини тақдим қилаётган химоячи Надежда Ермолаеванинг айтишича, охириги 1.5-2 йил мобайнида қочқинларни ўғирлаб кетиши ҳоллари кўпайди.

Химоячига кўра, авваллари ҳам Оврўпо Маҳкамаси томонидан чиқариб юбориш мумкин эмаслиги айтилган ҳолларда ҳам қочқинларни ўғирлаб кетиши ёда мажбуран бериб юбориш ҳоллари бўлган. Оврўпо маҳкамаси Россия томонини жаримага тортиш, товон тўлаш ва ҳаттоки қочқинни қайтариш кераклиги ҳақида ҳукм чиқарган вақтлари бўлган.

bbc.co.uk/uzbek

ХЎЖАЙИН СЎКАҒОН БЎЛСА



Русиядаги бир интернет саҳифаси (<http://rabota.mail.ru/news/2177>) тадқиқот бўлимнинг натижаларига кўра, ҳар ўн кишидан бир киши ўз раҳбари уни сўкадиган бўлса, бунга чидаб, индамай кетаверар экан. Сўралганлардан бир проценти ҳатто хўжайинлари уларни калтаклаши мумкинлигини ҳам айтишган. Бу ерда келтирилган маълумотларга қараганда, 69% ҳолларда хўжайинлар ҳеч қандай сабабсиз қўполлик қилишлар экан. 13% бундай қўполлик ишчилар хато қилганда, 6% эса ходим ишга кеч келганда, 4% эса вазифа кечикиб бажарилганда кузатилади. Бу хусусда дунёда Ўзбекистон чемпион (!) бўлса керак, албатта. Чунки Ўзбекистон деган янги давлатнинг сиёсати зулм ва инсонларни таҳқирлаш асосига қурилган. Бош муштумзўр ва Бош сўкағон Президенти

Каримов, бу масалада унинг ўринбосари Бош Вазир Шавкат Мирзиёев эканлиги маълум. Вилоят ҳокимлари мушт кетдида Президент ва Бош Вазирни ўзларига ўртак олишади. Фожеа шундан иборатки, бундай юқори лавозимли раҳбарлар ўзларидан юқори мансабли раҳбарлар уларни сўкканда ёки урганда буни бир мукофот сифатида кўрадидилар. Бундай ғурусиз ва шарафсиз раҳбарлардан газ олган туман ҳокимлари мактаб директорлари, касалхона бош врачлари ва умуман истаган одамни истаган жойда, эркак аёл бор демай, бўралатиб сўкади, қулоғининг остига шаполоқ тортиб юборади ёки бўлмаса ерга ётқизиб тепади...

Хўш, бундай қўполлик нима билан изоҳланади? Буни раҳбарларнинг умумий жоҳиллиги, савиясизлиги, балиқнинг бошидан сасиғанлиги, аҳолининг эса давлат қўлига қараб қолганлиги билан изоҳлашимиз мумкин. Хуллас, эркинлик бўлмаган жойда қутурган раҳбарлар ўзлари истаган жирканч амалларни қилаверади. Токи Каримов диктатураси тугатилиб, унинг ўрнига эркин ва адолатли жамият қурулганга қадар...

Абдурахмон Муҳаммад
10 ноябрь 2012 йил

Феъл



Вячеслав Ахунов

Бир куни Насриддин Афанди бир гўлани кўтариб, ҳатотнинг олдига борибди. Ҳатотдан гўлага ўз исмини ёзиб беришни сўрабди. Ҳатот унинг талабини бажарибди. Афанди уйига келиб, гўлани ҳовлининг қоқ ўртасига қўйибди-да, қўлига таёк олиб, уни бор кучи билан калтаклай кетибди. Ҳар зарбада яна тинмай такрорлармиш: “Агар феълингни ўнгламасанг, тандирда тикаман!” Шовқинни эшитиб, келган қўшнилари сўрабди: - Нима қиляпсиз, кўшни? - Феълимни тузатяпман, – дермиш Насриддин афанди...

“Бунёдкор футбол клуби” очик акциядорлик жамиятининг “КҚВ Бунёдкор” шўба корхонаси нинг ўзини таништиришни истамаган масъул вакилига мухбиримиз Озодликка етиб келган бир хужжатнинг сохта ё ростлигини аниқлаш учун мурожаат қилган эди.

Ростлиги тасдиқланган хужжатда эса, кенг жамоатчилик билиб қўйиши керак бўлган информация борки, у «Жамият ва конун» эшиттиришининг бугунги мавзуини белгилаб берди.

22, 6 млрд сўм,
“Ўзметкомбинат” - 10 млрд сўм.
“Ўзавтосаноат” - 10 млрд сўм.
“Хоразмшакар” - 10 млрд сўм.
“Ўзбекистон темир йўллари” - 5 млрд сўм. Ва хоказо...
“Бунёдкор” стадиони қурилишига пул ўтказишни ҳукумат жамоат ташкилотларига ҳам буюрган.
Масалан, “Маҳалла” жамғармаси 10 млрд сўм хайр-эҳсон қилиши лозим эди.
Жами бўлиб, 33 та конкрет



«БУНЁДКОР» КИМЛАРНИНГ ПУЛИГА ҚУРИЛГАНИ МАЪЛУМ БЎЛДИ



“Бунёдкор” стадиони қурилишига мутасадди ташкилот вакили Озодлик мухбири бир норасмий манбадан нухасини олган хатнинг рост хат эканлигини тасдиқлади.

Эҳсон тўлаш
графиги Хатки,
“Бунёдкор футбол

клуби” очик акциядорлик жамиятининг “КҚВ Бунёдкор” шўба корхонаси директори Г. Юлдашев имзолаган ... рақамли ва 2012 йилнинг ... мартида Тошкентдаги хусусий банклардан бирига юборилган расмий мактубдир. (Хат рақами, у жўнатилган кун ва адресат номини унинг нухасини Озодликка тақдим этган кишининг илтимосига биноан келтирмаймиз)

“Бунёдкор” стадиони қурилиши вакили “Ҳа, биздан чиққан бу хат”, деб тасдиқлаган мактубда ҳеч қандай ғайриқонуний гап йўқ. Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил, 13 мартдаги 70-қарорига биноан биз исмини келтирмаётган банкдан “Бунёдкор” стадиони қурилишига хайрия сифатида 1,0 миллиард сўм ўтказиш сўралган. Хатнинг хайрон қолдирадиган жиҳати шундаки, хайр-эҳсон олгувчи – “Бунёдкор” хайр-эҳсонни бергувчи – Банкка 1,0 млрд сўмни қачон ва нечага бўлиб ўтказиши кераклигини белгилаб берган. Олгувчининг Бергувчига тузиб берган жадвалига кўра, Бергувчи Олгувчига 1,0 млрд сўмнинг тўртдан бирини мартда, ярмини апрелда ва қолган тўртдан бирини май ойида тўлаши керак.

296 000 000 000 сўмлик эҳсон

Пулни олгувчи ташкилот вакили бундай хатлар қанча ташкилотга ёзилганини айтиб беролмади. Бироқ ҳукуматнинг тилга олинган қарорига тиркалган Иловадан келиб чиқилса, хат олган ташкилотлар камида 33 тадир.

Иловада ҳукумат қайси ташкилот неча пул ўтказиши лозимлигини белгилаб қўйган.

Масалан:

“Ўзбекнефтегаз” МХК – 40,0 млрд сўм

“Ўзбекнефтегаз” МХК таркибидаги корхоналар – 52, 3 млрд сўм

“Шўртангаз” газ-кимё комплекси -

ва рўйхатнинг 34-поғонасидаги “бошқалар”га кирувчи номи аталмаган корхона, ташкилот ва муассаса стадион қурилишига 296 млрд сўм, ёки давлат курси бўйича тақрибан 118 миллион евро пул эҳсон қилиши режалаштирилган.

Ҳаммаси қонуний

Бир қарашда, “Бунёдкор” стадиони қурилишига мутасадди ташкилотнинг пул талаб қилиб банкка жўнатган хатида фавқулодда ҳеч нарса кўринмайди. Хат ҳукумат қарорига асосланган.

Ҳукумат қарорига ҳам фавқулодда ҳеч нарса кўринмайди. Қарор президентнинг 2011 йил, 19 январидаги қарорига асосланган.

Ўз навбатида президент ҳам қарор чиқарар экан, бирон хужжатга таянган дир?

Масалан, Конституцияга?

Қолаверса, корхона, ташкилот, муассасалар, ҳатто уларнинг баъзилари хусусий бўлса-да, стадион қурилишига пул берса “ма кипти”?

Ахир, стадион халққа қоладику, кўпчиликка қоладику?!

Ахир йирик бизнеснинг ижтимоий масъулияти бўлиши керак. Ва ниҳоят, тирикчилигини баъзур ўтказётган оддий ўзбекнинг ҳам ғудранмаси кулоққа чалинмоқда: “Беришин-да халқкаям қорни катта бойлар, ўзлари еявермай!” Лекин, барибир, кўнгил равшан эмас. Қандайдир, ғалатлик бор бу ерда. Тушунарсиз нарса бор.

Аудиторнинг деганлари

Ғалатликни тушунтириб беришини сўраб, тошкентлик бир аудиторга мурожаат қилдик. Исмини айтмасликка, овозини эшиттирмамасликка ваъда берганимиздан сўнггина у вазиятни шарҳлашга розилик берди.

Унинг айтишича, Вазирлар Маҳкамасининг бугун ўрганаётганимиздай қарори тўлалигича давлат мулки бўлган корхоналар ёки банкларга нисбатан чиқарилиши мумкин дир. Бироқ бундай қарор билан хусусий корхона ёки банкни хайр-эҳсон қилишга мажбурлаш мантқиққа ҳам, қонунга ҳам хилоф дир.

“Турли тадбирларни ўтказиш, турли ишшоқларни қуриш учун Бунёдкорга йиғилгандай пул йиғиш Ўзбекистонда одатга айланиб қолган, чунки, давлат бюджетиде пул кам”, деди молия тафтишчиси.

Сухбатдошимиз ҳукумат қарориде назарда тутилган пуллардан ташқари “Тошкентнинг темир бозорларидан темирларнинг мусодара қилиб олиб чиқиб кетилгани, ўша темирлар ҳам стадион қурилишига кетгани” тўғрисида ҳам гапирди. Иқтисодчининг айтишича, “Бунёдкор”га пул ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан асосланган ва қандайдир қонуний кўриниш касб этган. “Лекин, оғзаки буйруқ билан ўтказиладиган пулларнинг ҳисоби йўқ”, деди у. “Айтилган суммани айрилган вақтда ўтказмаган ташкилотдан тез орада лицензияси тортиб олинади ва фаолияти тўхтатилади”, деди тафтишчи.

У ҳукуматнинг қорхона, ташкилот ва муассасалардан пул талаб қилишини «олдинги замонлардаги қароқчиларга» ўхшатди. “Йўл устида турадиган қароқчилар қарвонларни талагани каби”, деди у.

“Давлатнинг мажбурлови билан тўлайдиган эҳсон пуллари ишлаб чиқариш қорхоналари ва молия муассаларининг ўзида қолганида эди, улар ўша маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва қисман ишчи-хизматчилар маошини кўтариш учун сарфлаш имконига эга бўлган бўлар эдилар”, деди тафтишчи.

“Давлатнинг қорхона, ташкилот ва қорхоналарга қилаётган муомаласи кўринишидан тўғрига ўхшайди, лекин моҳияти қароқчилик дир, бу усул билан давлат ўзининг йиртигини ямаб олар, бироқ қорхоналар, демакки, мамлакат иқтисодиёти ривожланмайди”, деди тошкентлик аудитор.

“Тўламаган “ўлади”

Масалага молия соҳасидаги мутахассис кўзи билан эмас, публицист кўзи билан ҳам қарамоқчи бўлиб, журналист Абдурахмон Ташановни ҳам суҳбатга тортдик.

Озодлик: Абдурахмон нимаси ёмон? Мана банк 500 минг доллар атрофида ўтказибди. Ўтказса, халқ фойдаландиган стадионга ўтказибдида. Нимаси ёмон?

- Бу истехзоли саволингизга мен шу билан жавоб бермоқчиман. Иккита талаба бола “тушлиқдан тежаб китоб олиб ўқисак, дунёқарашимиз бой бўлиб кетади” деб ўша қуни оч юришган. Китоб олишган. Кечқурун эконок қилиб унга ҳам китоб олишган. Умуман мақсади эзгу бўлган, лекин ...

Маълумки, 1-2 октябрь кунлари Ўзбекистон президенти Ислом Каримов Ашхободга расмий сафар қилди. Ўзбек диктаторининг бу сафари деярлик барча МДХ давлатлари билан бирга, бир қанча бошқа мамлакатларнинг ҳам оммавий ахборот воситаларида ёритилди.

Бу воқеа юзасидан эълон қилинган деярли барча материалларда Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухаммедовлар орасида бўлиб ўтган музокараларда Тожикистон ва Қирғизистонда

сабабини тушунмайман.

Россия газ тармоғи ортида фақат Россиянинг ўзи турибди, «Nabucco» ортида эса АҚШ ва ЕИ мамлакатлари», – деган қатъий оҳангда Ислом Каримов.

Шунингдек, у Туркменистоннинг «Nabucco» лойиҳасига қўшилиши томон қўядиган амалий қадамлари, Ўзбекистон ҳам ўз газини шу тармоққа улаб, Европага тўғридан тўғри газ етказиб бериш имконини яратишини ҳам эслатиб ўтган.

сизга ёкмаяпти?» ва хоказолар.

Хаттоки ёш туркман президенти ҳам кекса, лаққи Каримовнинг доимий хоинлиги, куллуқ қилишлари ва ҳаддидан ошишлари устидан кула бошлаган.

Хотима ўрнида

Ислом Каримовнинг Ашхободга қилган расмий сафари Ўзбекистон президентининг АҚШ ҳамда ЕИнинг Марказий Осиё мамлакатларидаги ҳарбий, сиёсий ва стратегик режаларини амалга оширишга

У.ҲАҚНАЗАРОВ: КАРИМОВ БЕРДИМУҲАММЕДОВНИ «NABUSSO» ОРҚАЛИ ГИЖГИЖЛАМОҚДА

қурилаётган янги гидроплотиналар, Марказий Осиё мамлакатлари бўйлаб қурилиши режаланаётган янги транспорт коридори масаласи, шунингдек, ўзбек-туркман чегараси яқинидаги газ конларининг ўзлаштирилиши масалалари ўрганилгани таъкидланади. Бундан чиқди, Ашхободда Ислом Каримов яна бир масалани ҳам муҳокама қилганлиги ОАВ га маълум эмас. Шундай қилиб...

«Nabucco» лойиҳасини амалга ошириш таклифи

2 октябрь куни Каримов ва Бердимухаммедовларнинг ёпик эшиклар ортида ўтказган яккама-якка учрашувида ўзбек диктатори Туркменистон президентига Россия Федерацияси ҳудудларини четлаб ўтиб, ЕИга табиий газ етказиб беришга мўлжалланган «Nabucco» – магистрალი газ тармоғи лойиҳаси тарафига амалий қадамлар ташлашни таклиф қилди. «Энди қачонгача туркман газини Россия қувурлари орқали сотасизлар?! Агар сизлар мана шу лойиҳага [«Nabucco» - Ў.Ҳ.] реал ҳолда қўшилиш учун дадил қадамлар ташласангиз, бунда русларни туркман халқи манфаатлари билан ҳисоблашишга мажбур қилган бўласизлар», – деди Ислом Каримов.

Каримовнинг бундай қалтис таклифига жавобан, Туркменистон президенти мамлақати туркман газини хаттоки узок хориж мамлакатларига ҳам етказиб беришдан манфаатдор эканлигини айтиб ўтди. «Биз ҳамма вақт газимизнинг экспорти йўлларини кўпайтиришимиз зарурлигини таъкидлаб келамиз.

Шу билан бирга, бу янги тармоқ йўллари ҳозирги ҳамкорларимизнинг зарарига бўлмаслиги керак. Шу жумладан Россиянинг ҳам», – дея таъкидлаган Г.Бердимухаммаедов.

Туркман президентининг бу сўзларидан жаҳли чиққан Ислом Каримов, туркман президентининг тутган мавқеидан ажабланишини айтган. «Нима учун то ҳозиргача Россия қувурларига боғлиқлигингизни ва Европага тўғридан-тўғри газ сотиш имкони бўла туриб, нима учун газингизни руслар Европага қайта сотиши учун имкон яратиб бераётганингиз



«Агар биз бу лойиҳани амалга оширишга келиша олсак, хаттоки Хитойга ҳам газ етказиб беришни тўхтатган бўлардик», – ўзининг туркман ҳамқасбини ишонтиришга уринган Ислом Каримов.

«Сизларнинг газ конингизгача бўлган қувурларни ўзимиз ётқизамиз. «Nabucco» лойиҳасига қўшилишингиз ортидан пайдо бўладиган сиёсий натижалардан эса ташвиш қилмасангиз ҳам бўлади: бизни АҚШ ва ЕИ химоя қилади!» – такрорлашдан чарчамасди ўзбек диктатори. Каримов, хаттоки ўз суҳбатдошининг Туркменистон ҳозир ҳам ўз газини бир неча газ тармоқлари орқали Хитой, Ҳиндистон, Эрон сингари кўплаб хорижий мамлакатларга экспорт қилаётгани ҳақидаги гапларини ҳам тингламади.

Бердимухаммедов ўзининг қатъий сўзини айтганидан сўнггина Каримовнинг алжираши тўхтади: «Гинчланинг, Ислом Абдуғаниевич, Туркменистон ўз газини бир неча тармоқлар орқали кўплаб мамлакатларга кўпроқ фойда олиш мақсадида сотади, лекин Россияни “тузлаш” учун эмас!».

Туркман президенти Каримов билан ўтказган суҳбатининг дастлабки онларидаёқ ўзбек диктаторининг нима мақсадда Ашхободга келганини тушуниб олганди. Мақсад – фақат «Nabucco» масаласини ҳал этиш бўлган ва, шу билан Россияга қарши юриш қилиб, АҚШ, ҳамда Европа олдида ўз хизматларини кўрсатиб қўйиш мақсадини кўзлаган.

Туркман президентининг суҳбат пайтида Каримовга қарата пичинг аралаш айтган баъзи фикрлари ҳам бунга далолат қилади: «АҚШ сизни химоя қилишига ишонасизми?», «Назаримда сиз атайлаб Кремелнинг ғашига тега-япсиз», «Хитойликлар нимаси билан

амалий қадамлар қўя бошлаганини кўрсатмоқда.

Яқиндаги уни Андижондаги хунрезлик учун Халқаро терговдан химоя қилган Москва ва Пекинга сиғиниб келган Каримов, энди эса арзимас нарсалар учун ҳам Россия ва Хитойнинг манфаатларига зарар етказишга уринмоқда. Албатта, бундан ажабланмаслик керак, ахир Ислом Каримов Марказий Осиё қўламидаги ҳақиқий сиёсий фоҳиша-қу.

Каримов ўзининг хоинона қиёфасидан келиб чиқиб, Туркменистон ва туркман раҳбарининг ўзбек диктаторидан фарқли ўларок ташки сиёсат, ҳамда иктисодий алоқаларда аниқ бетарафлик мавқеини эгаллашини тушунмайди. Улар бир ҳаддан бошқа бир ҳадга ҳатлаб ўтиб, кечаги ҳамкорлари ва дўстларининг юзларига оёқ босмайдилар.

Бундан ташқари, Каримов ўзининг сиёсатда бурнининг остидан нарини кўра олмаслигини ва бундай тафаккурга эга ҳам эмаслигини кўрсатди: у Туркменистон президенти Г.Бердимухаммедовнинг «Nabucco» лойиҳасига қўшилишидан ҳадиксираб турганлигини сезмади. Ахир Г.Бердимухаммедов Туркменистоннинг Россияга газ етказиб беришини бутунлай тўхтадиб, «Nabucco» газ тармоғига уланиши келгусида қандай натижа бериши мумкинлигини жуда яхши тушунади-қу. Тағин Г.Бердимухаммедов ўзининг ўтмишдоши бўлган марҳум Сапармурат Ниёзовнинг «Nabucco»га кириш учун қилган кескин ҳаракатлари оқибатида нима қисмат топганини унутмаган.

Бизнинг илгари эълон қилган мақолаларимизда Ислом Каримов ҳокимият жоловини ўзининг тўнғич қизига топшириш мақсадида ҳарбий юклар транзити ва НАТО ҳарбий базалари учун Ўзбекистон ҳудудларидан жой беришга розилик билдириб АҚШ олдида бир чекиниш қилганини айтган эдик. Энди эса Каримовнинг Ашхободга қилган сафари тафсилотлари шуни кўрсатмоқдаки, Каримов АҚШ ва ЕИнинг сиёсий манфаатларини химоя қилувчи ўзининг янги – миссионерлик – фаолиятини ҳам бошлаган.

Усмон Ҳақназаров

НОРВЕГИЯ МАТБУОТИ МУҲАММАД СОЛИХ ҲАҚИДА

Норвегия оммавий ахборот воситаларида Муҳаммад Солихнинг Прагада қамокқа олинишига доир кўплаб хабарлар тарқатилди, мақолалар ёзилди. Норвегия телевидениеси аввал Муҳаммад Солихнинг ҳибсга олиниши, кейин озод этилиши ва сўнгра Чехия Президенти Вацлав Хавел билан ўтказган учрашуви хусусида бир қанча лавҳалар намойиш этди. Телевидение Муҳаммад Солих тақдири борасида Норвегия Ташқи ишлар вазирлиги олиб бораётган ишларни ёритди, яъни ўзбек муҳолифат лидери тақдири билан боғлиқ бу жараёни муттасил кузатиб борди.

Шунингдек, Норвегиянинг энг кўзга кўринган «Aftenposten», «Dagbladet», «VG» сингари газеталари бу воқеаларни давомли ёритиб бордилар. Хусусан, «Aftenposten»да Муҳаммад Солих қамокқа олинганининг илк кунларида чиққан «Ўзбек муҳолифати лидери Чехияда қамокқа олинди» номли катта мақолада муҳолифат лидерининг қамокқа олиниши тафсилотларидан сўнг шундай ёзилади:

“Биз Муҳаммад Солихни террорчи деб ўйламаймиз, - деди бизга интервью берган «Озод Европа» радиоси матбуот котиби Сония Винтер, - бизнинг фикримизча, Муҳаммад Солих Ўзбекистон режимининг қаттиқ танқидчиси бўлгани учунгина Ўзбекистон режими томонидан таъкиб этилмоқда,” - дея сўзини давом эттирди Сония Винтер.

Мақола давомида Ўзбекистон ҳукуматининг уч марта Норвегия ҳукуматига мурожаат этиб, Муҳаммад Солихнинг тутиб берилишини талаб қилгани ва рад жавоби олгани ҳақда ёзилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг Муҳаммад Солихга қарши суикасд режалаштиргани ва қотиллар ёллагани, Ўзбекистон муҳолифати лидери Олмоняга борган чоғда ўлдирилиши кўзлангани ҳақда ёзда.

«VG» газетининг 1 декабр куни чоп этилган «Сиёсий қочқин бомба портлашларида айбланиб қамокқа олинди» номли мақолада Чехияда қамокқа олинган Муҳаммад Солихнинг ҳали Советлар пайтидаёқ коммунистик режимга муҳолиф бўлгани ва советлар ҳокимияти битганидан сўнг эса, давлат тепасида ўз ўрнини сақлаб қолган собиқ коммунист раҳбарларга қарши курашини давом эттиргани ҳақда ёзилади. «Ўзбекистон ҳукумати Муҳаммад Солихни обрўсизлантириш учун расмий кампания олиб бормоқда», дейилади мақолада.

«Dagbladet» газетининг 3 декабр кунги сонидида эълон этилган «Ташқи Ишлар вазири Ян Петерсен Муҳаммад Солихнинг озод этилишига оптимистик қарамокда» номли лавҳада Нор-



вегия Ташқи Ишлар вазирининг Чехия Ташқи Ишлар вазири Ян Каван билан учрашиб, Муҳаммад Солих масаласини муҳокама этгани ва унинг тезда озод этилажигига умид билдираётгани ҳақдаги фикрлари баён этилади.

Муҳаммад Солихнинг Прагада ҳибсга олиниши воқеаси Ўзбекистондаги деспотик режим юргизаётган сиёсатни яна ҳам кенгрок планда дунё жамоатчилиги назарига туширди ва Ўзбекистонда кечаётган сиёсий жараёнлар ҳатто Норвегия ташқарисидаги норвег муҳбирларининг ҳам эътиборини торга бошлади.

«Aftenposten» газетининг 11 декабр кунги сонидида чоп этилган «Деспот ўзининг президентлик муддатини узайтириш учун халқдан овоз сўрамоқда» номли мақолада «Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ўз президентлик муддатини 2007 йилгача узайтироқчи, у Афғонистондаги уруш баҳонасида инсон ҳақларининг поймол этилишига ҳеч ким эътибор бермайди, деб ўйлаётми», дея ёзилади. Каримов илгари ҳам шу усулни қўллаб, ўз муддатини узайтириб олган эди, дея давом эттирилади мақола, - биринчи бор у 1995 дан 2000 гача ўз президентлиги муддатини узайтирган эди. Мақолада, шунингдек, мамлакатда муслимонларга ва муҳолифатга қарши қаттиқ таъкиб-таъйиқлар қилинаётгани, ўлкадаги 900 та масжид беркитилгани ва 7 мингдан ортиқ муслимонлар қамокқа олингани ҳақда гапирилади. Мақола давомида Ўзбекистон режимининг муҳолифат лидери Муҳаммад Солихга қарши олиб бораётган кампанияси ҳақда айтилиб, унинг Прагада қамокқа олиниш тафсилотлари келтирилади ва Каримов режимининг ўз демократик рақибини йўқ қилиш учун турли хил йўللарга бош ураётгани ҳақда гапирилади..

(16.12.2001)

ЎЗ ЮЗИГА ҚОВУШГАН ОДАМ

Эрдол Гуван
“Ҳибсга олинганларга маҳкамага чиққунларига қадар кўзгу бермайдилар. Менга ҳам беришмади ва мен ўз башарамдан айрилдим... Масалан, мен панжара орқасидан зиёратчим-

га кулимсирасам, менинг юзим ҳам кулимсирайдими, йўқми, мен буни билолмайман... табассум - айниқса, дунёимизнинг «маданий» қисмида - инсон чехраси энг кўп эҳтиёж туядиган ҳаракатдир... Кулимсираш фетишизмми ҳаётимизга шу қадар ўрнашиб олганки, ҳатто диктаторлар ҳам ойна олдида туриб, юзларининг пайларини ўйнатиб, табассум санъатини мукамал эгаллаш учун ишшайдилар..”

Билмайман, ўтган кун “Радикал”да босилган бу сатрларни ўз ичига олган эссени ўқидингизми? Ўқимаган бўлсангиз, кўп нарсани йўқотдим, деб ҳисоблайверинг. Ўзбекистон муҳолифат лидери Муҳаммад Солихнинг Прага Панкратс турмасида ёзиб, кейин Чехия Президенти Вацлав Хавелга ҳадя қилган эссесини айтаяпман. Солих Совет Иттифоқи йиқилгандан кейин 1990 йилда “ЭРК” Партиясини қурган эди. 1991 йилда Каримовга қарши Президентликка номзодини қўйди ва бундай бир хангомада асло оз ҳисобланмайдиган 12 фоиз овоз олди. Бу овоз миқдори ҳам Каримовни қўрқитиб юборишга етди. Солихнинг партияси таъқиқланди, ўзи сургун қилинди. У сўнгги йилларини Вагнернинг «учган Ҳолланд»си каби бир хавфсиз соҳил, бир бошпана ахтариб кечирди. У бошпана тополмаган ўлкалар қайси ўлкалар эди, биласизми?

Каримовнинг диктаторлиги йил сайин тобора қуюқлашиб борди ва Солихнинг ватанига қайтиш умиди ҳам озая бошлади.

Диктаторлар ўзига муҳолиф бўлганларни ёқтирмайдилар. Ўзбекистонда Солихнинг қариндошлари ва яқинлари ҳибсга олиниб, қамокқа ҳукм қилиндилар. “ЭРК” Партияси тўрт тарафдан сиқувга олинди. 1999 йил феврал ойида Тошкентда бомбалар портлатилди. Миллиятчилардан диндорларгача бутун муҳолиф гуруҳлар шубҳа остига олинди ва албатта “ЭРК” ҳам айблана бошлади. Солихнинг ҳиссасига 15,5 йил оғир қамок жазоси тушди.

Қатор воқеаларни бошидан кечиргандан сўнг Солих 1998 йил Норвегиядан сиёсий бошпана олди. Унинг таъбири билан айтганда, «Норвегиянинг Ўзбекистонга на стратегик боғлиқлиги бор эди ва ёки на-да Ўзбекистондан пахта сотиб олар эди».

Бундай дер экан, Солих қайси ўлкага ишора қиляпти, ажабо? 11 сентябрга қадар, яна унинг таъбири билан, «бир Кафка қахрамони» каби яшашга бошлади у.

У халқаро майдонда обрў соҳибига бир шахсият эди, аммо сургунда эди.

11 сентябрдан кейин бошланган «ажина овида» нимадир бўлиб, исми террористлар рўйхатига ҳам тушди. Кейин бир оз вақт ўтиб, бунинг хато бўлганлиги маълум бўлди.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинга саҳифада)

Аммо «ажина ови» Солиҳни таъкиб этишда давом этди. 28 ноябрда Ўзбекистон ҳукумати талаби билан ҳибсга олинди. Яна каерда денг, Чех жумҳуриятида.

Солиҳ ўрناق олган бир сиёсий лидер бошқарувидаги мамлакатда. Ва Прагнинг Панкратс турмасига ташланди.

Интерпол 11 сентябр иқлимидан фойдаланиб, демократик муҳолифатни «террорист» атаб, уни йўқ қилиш учун фаолиятга кечган Каримовнинг тузоғига тушганди.

Аммо Чех ҳуқуқ органлари бу тузукка тушмади. Солиҳ ҳақидаги «далиллар» ни етарсиз, деб топди.

Солиҳ аввал маҳкамагача қамокдан озод қилинди, кейин маҳкамада оқланди ва тўла эркинликка чиқарилди.

Маҳкаманинг бу қарорида халқаро жамоатчиликнинг катта ҳиссаси бор эди. Шунингдек, авваломбор Норвегия ҳукумати, кейин Ҳолландия, Буюк Британия, ҳатто террорга қарши курашнинг байроқдори, Каримовнинг янги дўсти Америка ҳам Солиҳнинг турмадан чиқиши учун даврага кирди.

Бу ишда қайси ўлкалар «даврага кирмади» ?

Албатта, бу ишга Президент Хавел ҳам қўлидан келгунча ўз ҳиссасини қўшди. Аслида, Солиҳнинг ҳибсга олиниши бошидан бери Хавелнинг асабини бузганди. У «афсуски, турма хужрасининг калити менинг қўлимда эмас», дея бошлаганди биринчи кунданок.

Шунингдек, Халқаро Авф Ташкилоти ва Инсон Ҳақларини Кузатиш ташкилоти ва Байналминал Кризис Груҳи каби ташкилотлар ҳам катта кампания бошладилар ва маҳбусни озод қилишга муваффақ бўлдилар. Солиҳ энди яна ўз соҳилига қайтди.

Турмадан чиққан куни берган матбуот конференциясида Солиҳ жон олувчи бир савол берди дунёга: «Масала жуда жўн ва содда. Фарб кимнинг ёнида? Диктаторларнинг ёнидами ёки демократиянингми?»

Солиҳ бу саволига ижобий жавоб олди.

Юқорида мен ҳам баъзи саволлар сўраганим, «қайси ўлка» дея бошлаган саволлар сўраганим. Афсуски, бу саволларнинг ҳаммасига битта жавоб бор: сўралган ўлка Туркиядир.

Аслида, Анқаранинг Муҳаммад Солиҳга раво қўрган муомаласи Ўрта Осиё ва Озарбойжон сиёсатининг бир ойнасидир. Яъни «геополитик ва экономик манфаатлар учун» демократик муҳолифатга тесқарши қараш, исми Каримовми, Алиевми ёки Ниёзовми - диктаторлар билан ўйнашиш...

Солиҳ Туркияни севган бир инсон. Ўзбекистондан қувғин қилингандан сўнг Истанбулга келганди. Ўрта Осиёдаги бошқа лидерлар каби у ҳам

Туркиядан кўп нарса кутган эди.

Лекин кутгани бўлмади, Солиҳ 3 йил ичида 4 марта Туркия ҳудудидан чиқариб юборилди. Каримов Анқарага келаяптими, дарров Солиҳ ҳудуддан чиқариларди ёки Анқарадан биттаси Тошкентга кетмоқчими, дарҳол Солиҳ Туркияни тарк этиши керак эди.

Кичик бир мамлакатнинг буюк лидери Вацлав Хавел Солиҳни бутун дунёнинг кўзи олдида, ўз саройида меҳмон қилар экан, бизникилар Солиҳ билан ёнма-ён туришга ҳам кўрқадилар...

Бу қачонгача давом этажак?
(Туркияда чиқадиган «Радиқал» газетаси, 06.01.2002)

ҚУТЛУҒ ИНҚИЛОБЛАРГА

Али Киник

(Муҳаммад Солиҳга)

Номусли одамларнинг кураши шундай бўлур,

Ер тилсиз, кўк сағир,
Дунё ишки жим, сассиз.

Бир бўзқир, бир қуроқ -
Тоғ бошида ёлғиз бир ажин,
Ва бир эркак одам

Қўллари юмрук, юраги шеър
Номуси яланғоч қилич.

УЛИ, БЎЗҚУРТ, УЛИ
БОҚМА ҲОЛЛАРГА
УЛУҒ ХАЛҚНИ УЙҒОТ
ҚУТЛУҒ ИНҚИЛОБЛАРГА,
ҚУТЛУҒ ИНҚИЛОБЛАРГА!!!

Бу халқ санинг, бу халқ манимдир,
Тортсин қўлларини халқимнинг
ёқасидан!!!

Маҳшарга қолмасин зулмининг ҳисоби
Бу ҳақ санинг, бу ҳақ маним.

Пахта даласида юраги қоврулганлар,
Оч бўлмасин, муҳтож бўлмасин
Ва бойларнинг қўлида қамчи
бўлмасин

Эгилсин кўклар,
Сочилсин тузум!!!

ТИК ТУРСИН БУ БАЙРОҚ
ТУШМАСИН ЕРГА
ЙЎНАЛ УҒЛАРГА
ҚУТЛУҒ ИНҚИЛОБЛАРГА,
ҚУТЛУҒ ИНҚИЛОБЛАРГА!!!

Ҳар зулм, ҳар сургун,
Тўғри одамни топар.

Жўжаларни севиш мумкин,
Девлардан эса – фақат қўрқарлар.

Бу бир қутлуғ чилладир,
Ғам йўқ, аза йўқ.

Шу йиқилгур Оламда,
Фиръавнсиз Мусо йўқ!

Бир Осиё туркусу (кўшиғи) боримдир
яна,

Бир бўзқир жанги яна эртага қолди.
Милтиқ тўғриланмади ҳали,

Номуссиз ҳадафларга.

Бир намлу (милтиқ стволи), кийик қўз,
навқирон,

Энди отимиздир етти дувалдан
сўралган,

Қўлимизга кишанлар урилган,
Лекин қонимиз ҳали байроқларга
сепилмади...

ЮР, БЎЗҚУРТ, НОМИНГ ТУШСИН
ТИЛЛАРГА
ЮР, ЖАНГЛАРГА, ҚУТЛУҒ
ИНҚИЛОБЛАРГА,
ЖАНГЛАРГА,
ЖАНГЛАРГА!
ҚУТЛУҒ ИНҚИЛОБЛАРГА!...

Туркия Туркчасида:
KUTLU İHTİLALLERE
Ali Kinik

(Muhammed Salih'e)

Onurlu adamların kavgası böyle olur
Yer dilsiz, gök sağır,
Dünya aşkı susmakta...
Bir bozkır, bir kurak,
Dağ başında yapayalnız bir alıc
Ve bir erkek adam,
Elleri yumruk, yüreği şiir,
Onuru yalınkılıç...

ULU BOZKURT ULU
BAKMA HALLERE
ULU HALKI UYANDIR
KUTLU İHTİLALLERE
KUTLU İHTİLALLERE!..

Bu halk senin, bu halk benim
Çeksinler ellerini halkımın yakasından
Maşere kalmasın zulmün hesabı
Bu hak senin, bu hak benim.
Pamuk tarlalarında yüreği kavrulanlar,
Aç olmasın, muhtaç olmasın
Ve beğlerin elinde, artık kırbaç
olmasın

Eğilsin gökler,
Dağılsın düzen!

DOĞRUL Kİ BU BAYRAK
DÜŞMESİN YERE
DOĞRUL ŞAFAKLARA
KUTLU İHTİLALLERE
KUTLU İHTİLALLERE!...

Her zulüm, her sürgün,
doğru adamı bulur
Cüceler sevilir de,
devlerden korkulur
Bu kutlu bir çiledir
gam yok, tasa yok
Şu yıkılış alemde,
Fıravunsuz Musa yok!..

Bir Asya türküsü yarımdır daha
Bir bozkır kavgası, ertelenmiştir
Bir namlu doğrulamıştır daha,
namussuz hedeflere
Bir namlu, «gez, çekik göz, arpacık...»
Şimdi, adımızdır yedi düvelden
sorulan
Kolumuzdur kelepçeye vurulan
Lakin, henüz kanımız değildir
bayraklara girilen

YÜRÜ BOZKURT, NAMIN
DÜŞSÜN DİLLERE
YÜRÜ KAVGALARA, KUTLU
İHTİLALLERE
YURU KAVGALARA
KAVGALARA
KUTLU İHTİLALLERE!.....

(Анқара, 2002)

ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИ

Жигар вазифаларидан (функцияларидан) баъзилари

Жигар биринчи ҳазм тизими орқали қонга ўтадиган барча моддалар учун бир сузгич (фильтр) вазифасини бажаради.

Жигар, энергия манбаи ҳисобланадиган, глюкоза ва витаминларни зарур пайтда тана эҳтиёжи учун қўллаш учун заҳирага йиғиб боради.

Сафро қосаси (ўт пуфаги) кислотасини синтезлаб, озуқалардан олган ёғларни ва ёғда эриган витаминларнинг организмга сўрилишини осонлаштиради.

Биринчи ҳазм тизимидан келган протеин, карбонгидрат, ёғ каби озуқа бўлақларини майда парчаларга ажратиш ва улардан организмнинг табиғатига мос ёғ, яхши холестерол, фермент, глюкоза, протеин, витамин каби асосий моддаларни ишлаб чиқаради. Бу жараён иккинчи ҳазмнинг яқунланиши ҳисобланади. Мазкур ҳазм натижасида юзага келган озуқа моддаларини қонга юборади, зарарли моддаларни эса бартараф (нейтрализация) қилади.

Қоннинг қуюқлашишини ва сувнинг томирларнинг ичида туришини таъминлайдиган протеинлар жигарда ишлаб чиқилади. Жигарнинг бу иши қонаш ва шишларнинг юзага келишига тўсқинлик қилади.

Сурункали токсик гепатит

Жигар танадаги зарарли моддаларни танадан узоқлаштиради. Масалан, тана ишлаши давомида пайдо бўлган ёки ҳазм орқали келган кўплаб зарарли моддаларни ва олинган дориларнинг қолдиқларини бартараф (нейтрализация) этади ҳамда вужуддан (тер ва сийдик воситаси билан) чиқариб ташлайди.

Аммо жигарга келган зарарли моддаларнинг миқдори жигарнинг нейтрализация қилиш ва ташқарига чиқариш кучидан кўп бўлса, зарарли моддалар жигар тўқимларида тўплана бошлайди. Жигарда пайдо бўлган зарарли моддаларнинг омборлари тўлса, бу моддалар бўйрак ва қонга ўтишни бошлайди. Қолдик ва токсик моддаларнинг жигар тўқимларида тўпланиши, тўқималарнинг яллиғланиш бошлашига олиб келади ва бу ҳолат сурункали токсик гепатитга сабаб бўлади.

Тиббиётда “белгисиз гепатит” (асимптоматик гепатит) деб номланадиган атама бор.

Аслида белгисиз (симптомсиз) гепатитнинг ўзи йўқ. Биринчи қарашда жигарга алоқаси бўлмаган юрак қон томирларида, бўйин томирларида ёки ҳар қандай томирлардаги текилиш, бўйрак касалликлари, бўйрак тошлари, сафро қосаси (ўт пуфаги) тошлари, аллергия, тери касалликлари каби ҳасталиқларнинг сабабчиси сурункали токсик гепатит эканлиги маълум бўлади. Қўшимча моддали таомлар ва ГМ маҳсулотларининг кўпайиши туфайли сурункали токсик гепатит ҳам кенг

тарқалмоқда ва бу хусусан, ёшларда кўп учрамоқда. Бугунги кунда беш ёшгача бўлган болаларнинг аксарияти, сунъий озуқалар билан озиқланган кишиларнинг барчаси мана шу касалликка дучор бўлмоқда.

Сурункали токсик гепатитга замин тайёрлаган кимёвий моддалар: антиконвулсанлар, антидепрессантлар, синтетик гормонлар, антибиотиклар, анестезиклар ва антиревматизм дорилари каби барча тиббий дорилар; кимёвий соч бўёқлари, озуқаларга қўшиладиган моддалар, кишлоқ хўжалиги дорилари, барча кир ювиш воситалари, захарли моддалар ва шунга ўхшашлар.

Вирусли гепатит

Вирусли гепатит А, В, С, Delta, E, G вируслари ёки герпесга ўхшаган вируслар сабабли вужудга келган яллиғланишли реакциядир. Барча вирусли гепатитлар юқумлидир: А ва E гепатитлари озиқ-овқат ва ичимликлар билан, В, С, Delta ва G гепатитлари қон ва танадаги суюқликлар орқали ёки яқин маиший алоқалар воситасида юқади. Баъзи беморлар қонида гепатит вируси ва жигар функциясида бузилишлар, гепатитнинг ҳеч қандай белгиси ва сариклик кузатилмаганлиги сабабли гепатитни бошидан ўтказишлари мумкин. Баъзи касалларда эса ҳолсизлик, иштаҳасизлик, кўнгил айнаши, қусиш, қориндаги, теридаги ёки бўғимлардаги оғриқлар, қичима, кўзнинг оқида ва терида сариклик, сийдик рангининг қуюқлашиши каби бир қатор белгилар кузатилиши мумкин.

Қонида гепатит вируси бўлатуриб, жигар функциясида ҳеч қандай касаллик белгиси кузатилмаган кишилар гепатит вирусини ташувчилар ҳисобланишади. Касалликни тарқатишда улар ҳам касаллар каби хавфлидирлар.

Лекин соғлом жигар вирусларнинг яшай олиши учун қулай жой эмас ва соғлом жигар вирусни қайтариб, ташқарига чиқаради. Аммо зарарли овқатларни ейишга одагланган, сурункали ҳазм етишмовчилигига учраган ва сурункали токсик гепатитга замин яратувчи кимёвий моддаларни қўллаган кишининг жигарида токсик ва қолдик моддалар тўпланади.

Бундай одамнинг жигарида вируслар кўпайиб, жигарни тозалаш вазифасини бажаришга киришадилар. Вируслар жигардаги токсинларни тозалай оладиган муддатда касаллик аломатлари кўринмайди. Бироқ токсин моддалар миқдори вирусларни тозалаш кучидан ошганда, гепатит белгилари юзага чиқа бошлайди.

Қонида гепатит вирусли бўлатуриб, жигарининг функциясида ҳеч қандай ўзгариш кузатилмайдиган ташувчиларнинг ҳолати шунга далилдир.

Вирусли гепатитнинг давоси осондир. Касал қанчалик ёш ва касаллик қанчалик янги бўлса, тузалиш ҳам шунчалик тез рўй беради.

Янги касалланган ёш беморни даволаш:

1-кун:

Даволаниш қусиш билан бошланади. (“Умумий тавсиялар” бўлимига қаранг) Қусгандан 2-3 соат кейин бир ош қошиқ магнезиум сульфат (инглиз тузи, глаубрен тузи) бир стакан сув билан ичилади.

2-3 соатдан кейин 1/4 чой қошиқ майдаланган сано + 100 гр турп баргининг суви + 100 гр сув + бироз заъфарон билан қориштирилиб, ичилади. Турп баргининг сувини ўрнига сачратқи суви ёки дамланган мойчечак чойи ёки дамланган шувокўти чойи қўлланилиши мумкин. Бу чойлар бир чой қошиқ мойчечак ёки шувокўти 150 гр қайнар сув билан 15 дақиқа дамланиб, сузилиб тайёрланади.

Бундан кейин бемор қўлтигининг тагидан ўлчанган ҳарорат 38 даражадан юксак бўлса, елкадан бошлаб 12-қовурға остигача, эртаси куни эса ўнг ва чап кўкрак остидан киндик тешигигача 8-12 та банка қўйилади. Касалнинг иситмаси юқори бўлса, иситма тушиб бошлагандан кейин банка қўйилади.

2-кундан бошлаб, 3 кун давомида

Олма, грейфрут, семизўти ёки сабзи сувлари билан сув билан аралаштирилиб, кунига 4-5 марта ичилади. Кунига уч марта шувокўти чойи ичилади. Бироқ бемор уни ичишни истамаса, беморни бу чойни ичишга мажбурламаслик керак, шу уч кун давомида бемор оч қолгани яхши.

Ёки:

Эрталабдан пешингача сабзи суви + олма суви қоришмаси, сўнгра асргача грейфрут суви, кейин кечқурунгача семизўти суви ичилади. Мева сувларининг орасида айна тарзда шувокўти чойи ичилади.

Олма ва грейфрут сувлари бир-бири билан аралаштирилмаслиги керак.

Фақат олма суви сабзи суви билан; сабзи суви семизўти суви билан, сабзи суви исмалок суви билан аралаштирилиши мумкин.

Грейфрут ўрнига лимон суви ҳам ичилиши мумкин. Қишда семизўти сувининг ўрнига кизил лавлаги суви сабзи суви билан аралаштирилиб ичилиши мумкин.

Мана шу уч кун давомида бошқа ҳеч нарса ейилмайди.


Биринчи ва иккинчи куни тиззалардан қон олдирилади (хожамот қилади). Қон олдириш ўрнига, анусга (орқа чиқариш аъзоси) 9-11 дона зулук қўйиш мумкин. Зулуклар тушгандан сўнг, улар қон эмган жойга банка қўйилади.

Бу уч кун ичида рўй берадиган қусиш, ҳар қандай гепатитга қарши фойдалидир, яхшиланишни тезлаштиради. Бир қошиқ зайтун ёғини бир стакан илиқ сув билан аралаштирилиб ичиш табиий равишда қуса олмаганларга қусишда ёрдам беради.

(Давоми кейинги саҳифада)

ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИ

(Давоми: Боши Олдинги саҳифада)



Бу уч кундан кейинги 7 кун давомида Эрталабдан пешингача юқорида келтирилган сабзи суви қоришмалар кўрсатилганидек ичилади. Пешинда кўнгли тортиган мевани истаганча бошқа мева

билан аралаштирмасдан ейилади. (Анжир, узум, олма, грейфрут, олхўри, ёки тарвуз).

Кечкурун майда тўғралган сабзи ва кизил лавлаги, исмалок, пиёз, саримсоқ, семизўти ва турп барглари қўшиб қилинган сабзи салати ейилади. Салатга лимон суви ва зайтун ёғи қўшилади. Салат билан биргалликда бир ховуч қовурилмаган бодом ёки ёнғоқ ейилади.

Уйқудан олдин ёғсиз қатик сувига асал ва бироз тош тузи қўшилиб, ичилади.

Фақат давонинг 4-чи кунда иситма ёки сариклик давом етса, 4-чи кун эрталаб 70-100 гр тоза сиқилган сачратки ёки кичитқўти суви + 50 гр сув + 1/4 чой қошиқ туйилган сано + бироз заъфарон аралаштирилиб, ичилади.

Кичитқўти ўрнига 100 гр турп барги суви, дамланган мойчечак чойи ёки шувоқўти чойи қўлланилади.

Эслатма: бу турдаги аччиқ қоришмалар ширин қилинмасдан ичиши керак.

Сўнгра пешингача сабзавот сувлари юқорида кўрсатилган шаклда ичилади.

Пешиндан сўнг бир пиёла яшил ясимик + 1/2 чой қошиқ қоразира + 1 чой қошиқ барбарис меваси ёки қобиғи + 1/2 чой қошиқ шамбала сув билан қайнатилади, охирида занжабил қўшилади ва олов ўчирилади.

Бироз совугандан кейин эзмасдан сузилади ва ютум-ютум ичилади. Яшил ясимик ўрнига арпа ҳам ишлатилиши мумкин.

Уйқудан олдин ёғсиз қатик сувига асал ва бироз тош тузи қўшилади ва ичилади. Бу 7 кун давомида қилинади.

Бу 7 кун ичида 4-чи кун яримга-ярим сув билан аралаштирилган аччиқ қовун суви ховучга солиниб, бошни олдинга эгиб, бурунга тортилади. Бурун ичида 3-5 сония тутиб тургач, ташқарига ўз оқими билан чиқарилади.

Мазкур муолажани бир мартадан кўп қилиш тўғри эмас. 2-3 соатдан кейин аксириш ва бурун оқиши бошланади.

Оқиш 1-2 кунгача давом этиши мумкин. Бу муолажадан кейин кўзлардаги ва теридаги сариклик дарров кетади. Фақат бироз бош оғриғи бўлиши мумкин, бу

табiiй ҳол. Аччиқ қовун суви ўрнига аччиқ қовун ёғи ёки седана ёғи ҳам қўлланилади. (“Дорилар” бўлимининг “Аччиқ қовун” мавзусига қаранг.)

Ёки:

Айни бир тарзда бурунга олма ёки узум сиркаси ҳам тортилиши мумкин. Фақат бу сиркани бурунда 7-10 сония тутиб туриш ва кунига 3-4 марта такрорлаш керак.

5-чи кун кун эрталаб ўнг курак пастига 6 дона;

6-чи кун эса ўнг ва чап кўкрак пастига 6 дона зулук қўйилади. Зулуклар тушгандан кейин чақилган нукталар устига банка қўйилади.

Зулуклар мавсуми бўлмаса, елкалар, кураклар ораси ва кураклар пастидан кон олдирилади (хожамот қилади). 10 кундан кейин бу муолажа такрорланади.

Жигарни ювишга тайёрланиш шу тарзда тугатилади.

7 кун тугатилгандан кейин бир кун давомида сув билан қориштирилган олма шарбати ичилади ва соат 19:00дан бошлаб жигарни тозалаш амалга оширилади. (“Жигарни тозалаш, 3-чи кун” бўлимига қаранг.)

Тозалаш амалга оширилгандан кейин овқатланиш тартибига эътибор бериш керак ва бир ҳафтадан кейин 3 кун оч қолинади. Очликдан бир ҳафта кейин нагижани кўришни хоҳлаган кишилар конини таҳлил қилдириб кўришлари мумкин.

Даво бошлангандан 1-3 ой давомида конда вирус мавжуд бўлиши мумкин. Лекин вирус зарар бермадан, бироз вақтдан кейин ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Чунки тозаланган жигар вирусларни кўпайиши учун қулай жой эмас.

Соғлиқни тиклангандан кейин уни йўқотмаслик учун ҳафтада бир марта 36 соатлик очлик рўзаси тутиш, тиббиёт дориларни, қўшимчали тайёр таомларни ва ичимликларни истеъмол қилмаслик, аралаш емаслик, заҳарли моддаларга ҳеч қандай тарзда ақинлашмасликка одатланиш кифоя қилади.

Касал она сутини эмган чақалоқ эса 2-3 кун оч қолдирилади. Очлик тугагандан кейин 50-100 гр зайтун ёғи билан клизма қилинади, ундан кейин оз-оздан эмизилади. Чақалоқ оч қолдирилганда унинг онаси ушбу 2-3 кун давомида бирор мева сувини ичиб ўтказиши, келган сутини соғиб ташлаши ва ичаклар давосини бошлаши керак.

Агар бемор 2-5 ёшдаги бола бўлса, болани дарров 2-3 кун оч қолдириш, очлик тугагандан кейин 150 гр. зайтун ёғи билан клизма қилиш, кейин 7 кун давомида унга грейфрут, олма, сабзи сувларини ва асал шарбатини ичириш, мева ва тарвуз едириш керак.

Очлик тугагандан сўнг 2-чи кун курак суякларни пастидан хожамот қилинади ёки ўнг курак суяги пастига 3 дона кичик зулук қўйилади. Зулуклар тушгандан кейин улар чаққан жойларга банка қўйилади.

5-10 ёшдаги болаларга 150-

200 грамм зайтун ёғи билан клизма қилингандан кейин 3 кун очлик қилинади. Кейин 3 кун олма суви ичилади ва 3 кун соат 19:00 дан бошлаб жигарни тозалаш муолажаси амалга оширилади. (“Жигарни тозалаш” бўлимига қаранг.)

Мазкур даводан сўнг болага маргарин ва рафиналанган суюқ ёғлар билан тайёрланган овқатлар, қўшимчали тайёр таомлар ва ичимликлар, аралаш овқатлар, оқ нон едирмаслик керак, сут ҳам ичирмаслик керак. Янги сиқилган мева ва сабзавот сувлари, табiiй узум бекмеси (асалдек ҳолга келганча қайнатилган сок) ва мева беришни давом эттириш керак. Исталса, кунига бир марта овқат едирилиши мумкин.

Бемор кекса ёшдаги киши бўлса, “Сурункали гепатит давоси” амалга оширилади.

Гуларнинг ҳикояси (32 ёшда, Истамбул):

“Бир ёшимда пневмонияга (ўпкаларнинг яллиғланишига) дучор бўлиб, антибиотикли игналар олган эканман. Оилам ловия, жўҳори етиштириб, ҳосилни ҳашаротлар, тошбақаси емаслиги учун ўсимликларга “DDT” кимёвий моддасини кўп сепарди. 20 ёшда турмушга чиқдим. Турмушга чиққанимдан 3 ойдан сўнг 2 ойлик болам тушиб қолди. Шифокорлар бачадонимнинг жуда ёмон аҳволда эканини, шу сабабдан унда қайта ҳомила бўлиши эҳтимоли 5% га тенглигини айтишди.

Биринчи ҳомила тушгандан кейин руҳий мувозанатим бузилди, ва мен психологик даво олишни бошладим. Бачадонимни ренгтген қилгандан сўнг, докторлар бепушит эканлигини айтишди. Шундан сўнг ҳомилали бўлиб қолдим. 9 ойлик ҳомилалик даврини ўтказдим. Цезар амалиёти билан туққанимдан 9 ой ўтгач, яна ҳомиладор бўлдим, бироқ қорнимдаги ҳомила беш ойлигида ўлиб қолди.

Улик ҳомила ярим соатдан кўп давом этган аборт ёрдамида олинди. Бу орада мен яна психологик муолажалар олишни бошладим. 2 йил давомида сероксат, дидерал ва атаракс дориларини олдим.

Муолажаларга бориб келавериб, машҳур докторнинг ўзи ҳам касал эканлигини кўрдим ва даволанишни тўхтатдим.

Бироз вақт ўтгач, яна ҳомиладор бўлдим.

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)

Ozodlik uchun o'limga tayyor xalqqa Ozodlikka loyiqdir
ERKIN YURT
O'zbekiston Xalq Harakatining rasmiy nashri

“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Касолиддин Йўлдош